

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 63+333/336.440

РАХИМОВА ҚИЗЛАРХОН НЕЪМАТЖОН ҚИЗИ

**АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИНВЕСТИЦИОН
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

5А 230102 – Иқтисодиёт (реал сектор) мутахассислиги

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. З.ЖУМАҚУЛОВ

ФАРҒОНА – 2017

1-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА	11
ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари	11
1.2. Агросаноат мажмуаси тармоқларини модернизациялашнинг	23
назарий асослари ва республикамизда амалга ошириш хусусиятлари	23
2-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	37
2.1. Республикамиз агросаноат мажмуаси корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ҳозирги ҳолати	37
2.2. Агросаноат мажмуаси корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этиш ва уларнинг самарадорлиги даражаси таҳлили.....	46
2.3. Фарғона вилояти агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиш ҳолати таҳлили.	54
3-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ КОРХОНАЛАРИДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 3.1.Агросаноат мажмуаси корхоналарини инновацион фаолияти	59
самарадорлиги ва уни ошириш йўллари	59
3.2. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида агросаноат мажмуаси тармоқларининг инвестицион фаоллигини ошириш йўналишлари.	66
3.3. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини модернизациялашни такомиллаштириш ва улар инвестицион самарадорлигини ошириш	74
йўллари.....	74
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	86

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг самараси кўп жihatдан агросаноат мажмуаси тармоқларининг ривожланиш даражасига боғлиқ.. Агросаноат мажмуаси фаолиятининг асосий мақсади, бош функцияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш билан ўзаро боғланган тизимнинг мақсадга мувофиқ, бир меъёрда барқарор ишлашини таъминлаш, провардида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилишдан иборат. Мажмуада бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган иқтисодий механизмларни яратиш, маҳсулотлар миқдори ва сифатини ошириш, ишлаб чиқаришнинг енг самарали ва мақбул шаклларини вужудга келтириш, маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий етиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Агросаноат мажмуасини ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий қувватини, аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Шу сабабли мамлакат агросаноат мажмуасининг ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан доимий эътибор берилиб келинмоқда. Бу эътиборнинг натижаси ўлароқ, мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат мажмуаси тармоқ ҳамда корхоналари фаолиятини юритиш учун зарур ҳуқуқий база яратилди ва улар муттасил такомиллаштирилиб борилмоқда. “Айнан шу авлоднинг фидокорона меҳнати туфайли ўз пайтида мамлакатимиздаги йирик индустрия комплекслари барпо этилди ва модернизация қилинди. Уларнинг ақл-заковати ва саъй-ҳаракатлари билан саноатнинг янги, юқори

технологияларга асосланган тармоқлари ташкил этилди, ноёб инфратузилма объектлари қурилди, фермерлик ҳаракати шакллантирилди, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.”¹

Олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида мамлакат иқтисодиётида катта сифат ўзгаришлар юз берди. Айниқса, мулкый муносабатлар такомиллашди ва бу ҳолат аграр соҳада нодавлат секторнинг тез ривожланишига олиб келди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизидан ортиқроғи нодавлат секторда ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш асосан фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликлари шаклида ташкил этилди, бозор талаблари ва давлат еҳтиёжларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқиришнинг таркиби ўзгартирилди. Ўзбекистон Республикасида олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида малакатда пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилди, Аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган талабини ҳисобга олиб ғаллачилик тармоғи кескин кенгайтирилди. Натижада ғаллачилик билан шуғулланувчи ихтисослашган махсус тизим (тармоқ) вужудга келди. Ғалла уруғчилиги кенг йўлга қўйилди, ғаллачиликнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган зарур моддий - техника базаси яратилди. Республикада чорвачилик тармоғи деярли хусусийлаштирилди. Мамлакатда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси ва уларни экспорт қилиш масалалари мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ижобий ҳал қилинмоқда.

Барчамизга маълумки, ўтган йилларда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб

¹ Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 15.12.2016й, № 247 (6682)

чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги тамоилидан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилди. Буни ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдоридан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2016 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 16,6 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3.7 миллиард доллардан ошди. Умумий қиймати 5.2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш яқунланди.²

Тадқиқотнинг долзарблиги республикада Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш ва инвестицион самарадорлигига эришиш йўллари янада такомиллаштириш масалалари етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги ва бу борада бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси агросаноат комплексига кирувчи корхона ва муассасалар ишнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Тадқиқот предмети эса агросаноат корхоналарини модернизациялаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш жараёнлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Мамлакатимизда агросаноат мажмуаси корхоналар фаолиятини модернизациялаш ва инвестициялар жалб қилиш жараёнларини ривожлантириш йўналишларини асослаш ва тегишли таклиф ва тавсиялар бериш тадқиқотнинг **мақсадини** ташкил

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоийиқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан

этади. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги асосий **вазифалар** белгилаб олинди:

- мамлакат агросаноат мажмуасини ташкил этишнинг назарий услубий асослари ва уни ривожлантиришни ўзига ҳос хусусиятларини ёритиш;
- республикамиз агросаноат мажмуасида корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилишнинг асосий йўналишларини тадқиқ қилиш;
- республикамиз агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилган инвестициялар самарадорлигига баҳо бериш;
- кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш орқали инвестициялар самарадорлигини ошириш йўналишларини таҳлил этиш; - тадқиқ этилган мавзу бўйича умумий назарий хулосалар чиқариш ва амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Республикамиз агросаноат мажмуаси корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ҳозирги ҳолати;
- Агросаноат мажмуаси корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этилиши ва уларнинг самарадорлик таҳлили;
- Фарғона вилояти агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиш даражалари; - Агросаноат мажмуасида инновацион фаолият ва технологик янгилаш самарадорлигини ошириш йўллари;
- Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида агросаноат мажмуаси тармоқларининг инвестицион фаоллигини ошириш йўналишлари;

- Кўп тармоқли фермер хўжаликларини модернизациялашни такомиллаштириш ва улар инвестицион самарадорлигини ошириш истиқболлари.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши агросаноат мажмуаси корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этилиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари борасида мавжуд иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш йўллари излаб топишга либ келиши мумкин ва улар қўйидагиларда намоён бўлади:

- Мамлакат агросаноат мажмуасининг моҳияти, таркиби ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари;
- Агросаноат мажмуаси тармоқларини модернизациялашнинг назарий асослари ва республикамизда амалга ошириш хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш, техник-технологик қайта таъмирлаш бўйича Ватанимиз ва хориж иқтисодчи олимларининг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрийҳуқуқий ҳужжатлар, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари ташкил этади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Умуман, ижтимоий-иқтисодий фанларда модернизация муаммолари бир неча ўн йилликлар давомида тадқиқ қилингани ва мазкур мавзуга бағишланган кўп сонли асарлар бор бўлишига қарамай, Ўзбекистонда мазкур ходисани изоҳловчи назарияларнинг ўзини таҳлил этиш нисбатан кам тадқиқ этилган мавзулар сирасига киради. Айни вақтда, модернизация жараёнининг мазмун-моҳиятини баҳолашда ҳам ягона илмий ёндашувлар мавжуд эмас.

Ўзбекистонда Ўлмасов А., Ғуломов С.С., Саидов К.С., Сейтмуратов Р.А., Вахобов А.В., Разикова Г. Кабилар ва хорижда Лоренс ДЖ. Гитман, Майкл Д. Джонк (основы инвестирования), Г.А.Маховикова, В.Е.Кантор (Инвестиционный процесс на предприятии)нинг илмий ишларида таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашнинг шаклланиши ва ривожланиши, амалга ошириш йўлларининг тегишли жиҳатлари ёритилган. Аммо амалга оширилган илмий ишларда ҳозирги даврида таркибий ўзгаришларни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Л.М.Куликов модернизациялашга фан-техника тараққиётининг асоси, уни амалга ошириш шакли сифатида қарайди: “Фан-техника тараққиёти (ФТТ), яъни техника ва ишлаб чиқариш усуллари эволюцион, секин-асталик билан модернизациялаш у ёки бу даражада барча технологик даврларга хос бўлиб келган. Модернизация (лотинча модерн(ус) – янги, замонавий) – бирор нарсани замонавий талабларга мувофиқ равишда янгилаш, такомиллаштиришдир”³.

А.Хашимовнинг “Модернизация – ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий воситалар ва номоддий активларни фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш, янгилаш, замонавийлаштириш. Уни мамлакатдаги ресурслардан самарали фойдаланиш асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир”,⁴ - деб берган таърифидан кўринадики, муаллиф модернизацияга уни амалга ошириш қамров доирасига нисбатан чекланган ҳолда ёндашган. Шунга кўра, мамлакатимизда агросаноат мажмуаси корхоналар фаолиятини модернизациялаш ва инвестициялар

³ Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005, с.72.

⁴ Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш. – и.ф.д., проф. Б.Б.Беркинов таҳрири остида. – Т.: “ФАН”, 2007, 286-б.

жалб қилиш жараёнларини кенгрок миқёсда ўрганиш ва таҳлил қилиш фойдадан ҳоли эмас, албатта.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот методлари сифатида билишнинг диалектик усули, илмий мушоҳадалаш, мантиқий ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, монографик кузатиш, математик ва статистик гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий аҳамияти шундаки, унда билдирилган умумий йўналишдаги фикрлар, қарашлар, назарий ва амалий хулосалар иқтисодиётни модернизациялаш масалаларига бағишланадиган кейинги ишлар учун муайян манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти, унда ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларнинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида иқтисодиёт йўналишидаги фанларни ўқитишда, республикамизда фаолият юритаётган корхоналар фаолиятини яхшилаш, уларнинг ҳозирги иқтисодий-молиявий шароитда самарали фаолият юритишларига маълум даражада амалий ёрдам кўрсатади. Ишлаб чиқилган тавсиялардан корхоналар ва хўжаликлар раҳбарлари ўзларининг амалий фаолиятларида қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Диссертация тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш, асосий қисмда учта боб, саккиз бўлим, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги, тадқиқот объекти ва предмети, мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи, қўлланилган методиканинг тавсифи, натижаларининг назарий ва амалий

аҳамияти асослаб берилган. Шу билан бирга кириш қисмида магистрлик диссертациясининг қисқача мазмуни баён қилинган.

Асосий қисмнинг “Агросаноат мажмуасида модернизациялаш жараёнларининг назарий асослари” номли биринчи бобида Мамлакат агросаноат мажмуасининг моҳияти, таркиби ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, агросаноат мажмуаси тармоқларини модернизациялашнинг назарий асослари ва республикада амалга ошириш хусусиятларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

“Агросаноат мажмуаси корхоналарини ривожлантириш ва модернизациялашнинг асосий йўналишлари” номли иккинчи бобида республикада агросаноат мажмуаси корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган. Шунингдек, агросаноат мажмуаси корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этилиши ва уларнинг самарадорлик таҳлил этилган ва Фарғона вилояти агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиш даражалари ўрганилган.

“Агросаноат мажмуаси корхоналарида модернизациялаш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг инвестицион самарадорлигини ошириш истиқболлари” номли учинчи бобида агросаноат мажмуасида инновацион фаолият ва технологик янгилаш самарадорлигини ошириш йўллари очиб берилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида агросаноат мажмуаси тармоқларининг инвестицион фаоллигини ошириш йўналишлари ва кўп тармоқли фермер хўжаликларини модернизациялашни такомиллаштириш ва улар инвестицион самарадорлигини ошириш истиқболлари таҳлил этилган.

Ишнинг хулоса қисмида олиб борилган тадқиқот натижаларида олинган хулосалар, таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган ҳамда иш якунида тадқиқот давомида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

1-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Мамлакат агросаноат мажмуасининг моҳияти, таркиби ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари

Агросаноат интеграцияси – саноат ва қишлоқ хўжалигининг бирбирига сингиб кетиши, бир бутун тизимга айланишидир. Агросаноат интеграцияси ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперациясини ривожланишининг натижасидир. Тармоқларнинг бир-биридан ажралиб кетиши уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини айрибошлашни кучайишини талаб қилди. Бир тармоқда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талаб асосан бошқа тармоқда вужудга келади. Натижада бир тармоқ иккинчисиз мўътадил ривожлана олмайди. Бу уларни интеграциялашуви заруратини келтириб чиқаради. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожини улар ўртасида алоқаларнинг мураккаблашувига олиб келди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланиш учун қайта ишлаш саноатига тушади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги саноат учун хом ашё етказиб берувчи тармоққа айлана боради. Қишлоқ хўжалигининг охириги истеъмолчи

билан тўғридан-тўғри алоқаси камайиб боради. Ўз навбатида истеъмолчиларга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар (қайта ишлаш саноати) яқинлашиб боради. Бу эса, ўз навбатида тармоқлараро интеграцияни кучайтиради.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш шу даражада юксалиб бормоқдаки, иқтисодиётнинг турли тармоқлари бир-бири билан жуда чамбарчас боғланиб қолмоқда. Уларнинг боғланиши, айниқса, технологик жиҳатидан бир – бирини тўлдирувчи тармоқларда кучли. Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларда бу жараён жуда ёрқин намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, уни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи, қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳалар иқтисодиётини бир – биридан ажри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу тармоқлар ягона бир тизимни ташкил этади ва уларнинг биргаликда мутаносиб ишлаши провард натижанинг самарали бўлишини таъминлайди. Ҳозирда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан саноатнинг бир бутун кўриниш олаётгани тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, “Ўзмевасабзавотузумсаноат- холдинг” компаниясига қарашли заводлар, сутни қайта ишловчи айрим корхоналар, шунингдек, иссиқхоналар, парандачилик фабрикалари бунга мисол бўла олади. Бу соҳаларда бир юридик мақомга эга корхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва шу корхонанинг ўзида у даслабки қайта ишлаш жараёнидан ўтади, баъзан, тўла қайта ишланади. Бу корхоналарда ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги даражасидан юқорилашиб, маълум маънода саноатлашиб кетган.

Агросаноат интеграциясининг янада чуқурлашиб бориши объектив жараёндир. Бу албатта, қишлоқ хўжалигининг ва умуман, агросаноат мажмуасининг, иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келувчи жараёндир.

Агросаноат интеграциясининг ва кооперациясининг маҳсули сифатида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб мамлакатимизда агросаноат мажмуаси ягона тизим сифатида шаклана бошлади.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи, ягона мақсадларга бўйсундирилган, технологик жиҳатдан устун даражада бир бири билан боғланган тармоқ ва хизматлар йиғиндисидир. Иқтисодий фан мамлакат, ҳудуд ва маҳсулот турлари бўйича “агросаноат мажмуаси” тушунчаларини фарқлайди. Шунга кўра агросаноат мажмуаси:

- Мамлакат агросаноат мажмуаси;
- Ҳудуд агросаноат мажмуаси;
- Ихтисослашган (гўшт, сут, дон, сабзавот ва полиз каби маҳсулот турларини етиштириш билан шуғилланувчи) агросаноат мажмуаларидан иборат.

Ихтисослашган агросаноат мажмуалари иккига бўлинади. Биринчиси, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Иккинчиси ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Бу агросаноат мажмуаларининг ҳар иккаласи ҳам алоҳида олинган товарлар (маҳсулотлар) бўйича агросаноат мажмуаларини ташкил этади.

Мамлакат агросаноат мажмуасига қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар (қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи заводлар, омухта ем заводлари, минерал ўғитлар тайёрловчи заводлар ва х.з.), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи (пахта заводлари, донни қайта ишловчи элеваторлар, гўшт, сут комбинатлари, жун заводлари, пиллани қайта ишловчи заводлар ва бошқалар), қайта ишловчи ва тайёр, охириги

маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар ва хизматлар киради. Бундан ташқари ушбу жараёнларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ҳам унинг таркибига киради.

Худуд агросаноат мажмуаси эса маълум, бир худуд (иқтисодий худудлар, вилоятлар, воҳалар, баъзан туманлар) доирасида амал қилади. Уларнинг таркибига айрим корхона ва тармоқлар (республика мақомига эга бўлган, мамлакатнинг барча худудлари учун хизмат кўрсатадиган) кирмаслиги мумкин. Масалан, агарда трактор ёки комбайн ишлаб чиқарувчи завод ўша худудда жойлашмаган бўлса, регион агросаноат мажмуаси таркибга кирмайди.

Мамлакат агросаноат мажмуаси мураккаб таркибий тузилмага эга бўлиб, унинг таркиби 4 та соҳадан ташкил тапади.

Биринчи соҳа. Агросаноат мажмуаси тармоқлари (тизими) учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа. Бу соҳага агросаноат мажмуаси учун машина, трактор, комбайн, станоклар, ишчи машиналар ишлаб чиқарадиган машинасозлик, маъданли ўғит ва химикатлар ишлаб чиқарувчи кимё саноати, чорвачилик учун омехта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари учун доридармон ишлаб чиқарувчи ихтисослашган корхоналар кабилар киради.

Иккинчи соҳа. Қишлоқ хўжалигининг ўзи. Бу соҳа агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини ташкил этади ва мажмуанинг башқа соҳасига кирувчи тармоқлар асосан шу тармоқ маҳсулотлари асосида фаолият юртадилар ёки хизмат кўрсатадилар. Қишлоқ хўжалиги ўз навбатида ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларига бўлинади. Бундан ташқари агросаноат мажмуасининг иккинчи соҳасига, пиллачилик, асаларичилик, қисман ўрмончилик (табiiй озиқ-овқат ва доривор ўсимликлар етиштириш) ҳамда балиқчилик киради.

Учинчи соҳа. Бу соҳа - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар йиғиндисидан иборат. Озиқ-овқат саноати, пахта заводлари, гўшт, сут заводлари, мева шарбатлари чиқарувчи заводлар, ёғ-мой заводлари, жунни, канопни, пиллани қайта ишлаш заводлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни сақлайдиган корхоналар, уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар шу соҳанинг таркибини ташкил этади.


Тўртинчи соҳа. Бу соҳа - агросаноат мажмуаси инфратузилмасидан иборат. Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси жуда мураккаб таркибга эга. Шу билан биргаликда уларнинг айримлари ўз хизмат хусусиятига кўра ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма таркибига кириши мумкин. Шунга қарамасдан иқтисодий таҳлил қилишнинг, қарорлар қабул қилиш учун зурур сифатли маълумотларни олиш учун уни таснифлаш мақсадга мувофиқ. Инфратузилманинг ўзи иккига бўлинади. Биринчи қисми ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлса, иккинчи қисми ижтимоий инфратузилмадир. Мамлакат агросаноат мажмуасининг умумий кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Ана шу 4 та соҳага кирувчи тармоқлар бирлашиб, мамлакатнинг ягона агросаноат мажмуасини ташкил этади. Агросаноат мажмуасининг таркиби жуда мураккаб бўлиб, у турли омиллар таъсирида даврлар ўтиши билан ўзгариб, такомиллашиб боради (1.1-чизма).

1.1-чизма

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг таркиби⁵.

⁵ Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А., «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси», 2006 йил.



Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши натижасида талаб ва таклиф асосида айрим тармоқлар, соҳалар йўқ бўлиб бошқалари шаклланади ва ивожланади. Агросаноат мажмуасининг таркибини ўзгаришига қишлоқ хўжалиги фаол таъсир кўрсатади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги таркибида юз берадиган ўзгаришлар агросаноат мажмуаси таркибининг ўзгаришига олиб келади. Мамлакат агросаноат мажмуаси таркибига жаҳон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган конъюктуранинг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Анъанавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган худудларда турли сабабларга кўра таркибий ўзгаришлар юз бериб туради. Чунки бозор қонуниятларига кўра ҳар бир давлат ишлаб чиқариш таркибини

шакллантираётганда ўзининг абсолют ва нисбий устунлигини аниқлаб олиши лозим. Акс ҳолда рақобатда енгиледи ва бу кўплаб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни юзага чиқаради. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида доимий равишда ихтисослашиш жараёни такомиллашиб боради. Бу эса, ўз навбатида мамлакат ёки ҳудуд агросаноат мажмуаси таркибини такомиллашишига олиб келади.

Агросаноат мажмуасининг таркибининг ўзгаришига олиб келадиган сабаблардан яна бири табиий-иқлим шароитларида юз берадиган ўзгаришлардир. Табиий-иқлим шароитларнинг ўзгариши қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш таркибида ўзгаришлар юз беришини талаб қилади. Чунки минтақадаги табиий-иқлим шароити айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни умуман ёки қисман чеклаб қўяди.

Табиий-иқлим шароит қишлоқ хўжалигининг айрим маҳсулотларини етиштириш учун ноқулай бўлса бу муаммони иссиқхоналар ёрдамида ҳал этиш мумкин. Лекин бу маҳсулотларнинг таннархи нисбатан юқори бўлади ва бунинг иқтисодий натижаларга таъсири одатда салбий бўлади. Агросаноат мажмуасининг таркибига фан, техника ва технологиянинг таъсири ҳам катта. Фан, техника ва технологиянинг ривожланиши одатда мамлакат агросаноат мажмуаси таркибига ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятлари таъсирида агросаноат мажмуасининг таркиби такомиллашиб боради. Ўзбекистон Республикасида асосий эътибор агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасининг имкон даражасида ривожлантиришга қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги техникалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган, сақлайдиган соҳаларга техникаларига талаб катта.

Республика агросаноат мажмуасида алоҳида эътибор унинг инфратузилмасига қаратилиши мажмуанинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакат иқтисодиётида агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва ўрни жуда катта. Унинг ўрни энг аввало мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи билан белгиланади.

Мажмуанинг аҳамияти энг аввало унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг қиймати билан белгиланади. Гап шундаки, агросаноат мажмуасининг охириги маҳсулоти инсонлар кундалик истеъмолига қаратилган озиқ-овқат ва инсонларнинг шахсий кийим-кечаклари, уйрўзғор буюмлари ҳисобланади. Мамлакат агросаноат мажмуасида озиқовқатнинг 99 фоизидан кўпроғи етиштирилади. Мажмуа мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди.

Республика агросаноат мажмуаси экспортбоп маҳсулотлар етиштиради ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган каттиқ валюта тушумини таъминлашда фаол қатнашади. Мамлакат иқтисодиётига тушаётган каттиқ валюта иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилишга, юрт хавфсизлигини таъминлашга, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадларига сарфланади.

Агросаноат мажмуаси мамлакатда мавжуд ижтимоий муаммоларни юмшатишда асосий ролни ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жуда катта ресурслари агросаноат мажмуаси тармоқларида жойлашганлиги унинг аҳамиятини янада оширади. Бу ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, мамлакат агросаноат мажмуасининг ривожланиши, аҳолининг турмуш даражасини ошириш тўғридан–тўғри шу мажмуанинг фаолияти билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг фаолияти самарали бўлса, ҳалқнинг турмуш даражаси юқори бўлади ёки аксинча. Шу сабабли агросаноат мажмуасини ривожлантириш республика иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Республика агросаноат мажмуаси мустақиллик йилларида чуқур таркибий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни бошдан кечирди. Олиб борилган ислоҳотлар натижасида бозор муносабатлари ривожлана бошлади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши бозорнинг таркибини белгилайди. Бозорнинг таркибининг шаклланиши кўплаб омилларга боғлиқ. Жамладан, мулк шакли ва хўжалик юритиш усуллари, товар ишлаб чиқарувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар сони, баҳоларни назорат қилиш даражаси, тармоққа кириш ва чиқишда қўйиладиган тўсиқлар, муносабатларнинг ривожланганлик даражаси, давлат сиёсати ва бошқалар бозорнинг таркибига таъсир кўрсатади. Агросаноат мажмуаси бозори таркиби қуйидагича ифодаланади.

Иқтисодий адабиётларда бозорнинг амал қилиш механизмлари, унга давлатнинг аралашуви даражасига қараб уч турдаги бозор типи фарқланган. Буларга: ривожланмаган бозор - эркин бозор ва тартибга солиниб туриладиган бозорлар киради. Ривожланмаган бозор – бу бозорда олди-сотди жараёнлари кучли ривожланмаган, одатда оддий товар айрибошлаш жараёни юз беради. Бу бозорда товарларнинг натурал айрибошланиши (бартер) кўпроқ амалга оширилади. Бу бозор тўйинмаган ҳисобланади. Эркин бозор – бу рақобатли бозор ҳисобланади. Бу бозорда жуда кўплаб кичик ва катта товар ишлаб чиқарувчилар иштирок этади ва уларнинг бирортаси ушбу товар нархини ўзгартиришга сезиларли таъсир эта олмайди. Товарлар эркин сотилади.

Амалиётда бундай бозорлар кам учрайди. Тартибга солиб туриладиган бозор – бу бозорнинг фаолиятига ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чоратadbирлар билан давлат аралашиб (тартибга солиб) туради (1.2-чизма).

1.2-чизма



Агросаноат мажмуасини ривожлаништириш ҳар қандай давлатнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси иқтисодиётнинг нисбатан яхши ривожланган соҳаси ҳисобланади. Унинг

⁶ Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А., «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси», 2006 йил.

мамлакат ҳаёти учун иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти жуда катта. Чунки бу соҳа катта молиявий ресурслар талаб қилмасдан катта самара бера оладиган соҳадир. Бошқа тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, ўз навбатида, катта молиявий ва янги соҳада ихтисослашган асосий воситалар, меҳнат ресурсларининг бўлишини талаб қилади. Агросаноат мажмуаси эса, Ўзбекистон Республикасининг тарихан мавжуд бўлган ва ривожланган соҳаларидан бири ҳисобланади. Мамлакат аҳолиси жуда қадим даврлардан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келади. Мамлакат аҳолиси қишлоқ хўжалигини юритишда жуда катта малакага эга. Табиийиқлим шароитлари қишлоқ хўжалиги учун қулай минтақалардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам агросаноат мажмуасини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси учун энг муҳим устувор йўналишлардан бири қилиб белгиланган.

Мамлакат кучли ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидан бормоқда. Шу йиллар ичида мамлакат агросаноат мажмуасини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантиришни таъминлайдиган ҳуқуқий база яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Агросаноат мажмуасида давлатнинг улуши минималлаштирилди ва новдавлат сектор ҳал қилувчи асосий кучга айланди.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқлари олдида қуйдаги асосий мақсадли вазифалар турибди:

- Маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш ва ассортиментини яхшилаш.

Бу борада катта ишлар амалга оширилиши лозим. Чунки мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббиёт меъёрига мос равишда таъминланиш даражаси ҳали анча паст. Айниқса, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш талаб қилинади. Мамлакатда дон етиштиришни 10-12 млн. таннага етказиш, гўшт, сут етиштиришни энг камида икки, тухум етиштиришни 3 мартага кўпайтириш талаб қилинади. Албатта физиологик меъёр (энергия олиш) нуқтаи назаридан озиқ-овқат

муаммоси мамлакатда тўлиқ ҳал этилган. Аммо озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ижтимоий – иқтисодий томондан баҳоланганда катта муаммо бўлиб турибди. Гап шундаки, физиологик меъёр бўйича олинаётган энергия қайси маҳсулотларни истеъмол қилиш эвазига ҳосил бўлмоқда, деган савол туғилади. Ҳозирда мамлакат аҳолиси озиқ – овқатдан олинаётган энергиянинг асосий қисми нон ва нон маҳсулотлари, картошка, углеводлар ва меваларни истеъмол қилишдан олинмоқда. Инсон организми талаб даражасида мўътадил фаолият кўрсатиши учун эса баланслашган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш талаб этилади. Республикада бу маҳсулотлардан жон бошига қанчадан истеъмол қилинишини кўрсатувчи махсус меъёр ҳам ишлаб чиқилган. Бу борада, яъни баланслашган озиқ–овқат истеъмол қилишда, ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Айниқса, чорвачилик, асаларичилик, балиқ маҳсулотларига бўлган талаб катта бўлишига қарамасдан шу маҳсулотлар билан аҳоли қониқарсиз ҳолда таъминланган. Шу жиҳатдан мамлакатда ер, сув, меҳнат ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг энг самарали йўллари топиш, фан, техника ва технологиянинг энг илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга қўллаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ассортиментини яхшилаш агросаноат мажмуасининг бош вазифаларидан биридир.

- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи паст бўлишини таъминлаш. Бу жуда долзарб муаммолардан бири бўлиб, бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқади. Бозорда рақобатга бардош бериш учун етиштирилаётган маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам арзон бўлиши керак. Бозорда талаб ва таклиф қонуни талаблари натижасида шаклланган нархдан етиштирилаётган маҳсулот таннархи арзон бўлиши талаб қилинади. Маҳсулотлар таннархининг арзон бўлиши маълум даражада ижтимоий масалаларни ҳам тўғри ҳал этилишига хизмат қилади. Шунингдек,

маҳсулотлар таннархининг паст бўлиши уларнинг нархини пасайишига олиб келишига асос бўлиб хизмат қилади. Бу, аҳолининг маҳсулотларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиради, турмуш даражасини оширади, ишлаб чиқарувчиларнинг эса фойдаси кўпайишини таъминлайди. Натижада корхоналарнинг давлат бюджетига тўловлари ва солиқларнинг умумий миқдори кўп бўлишига олиб келади. Бу эса мамлакат иқтисодиётини кучайтиради ва янада тез ривожланиш имкониятларини яратади.

1.2. Агросаноат мажмуаси тармоқларини модернизациялашнинг назарий асослари ва республикада амалга ошириш хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йигирма олти йил давомида илмий асосланган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос моделини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда иқтисодий соҳада чуқур таркибий ўзгаришлар юз берди, қулай инвестицион муҳит шакллантирилди, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, банк - молия тизимини ривожлантиришни норматив - ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоялаш, бақувват мулк эгалари синфини яратиш, тадбиркорлик, аввало, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг бозор инфратузилмасини барпо этиш учун мустаҳкам замин яратилди. Ўзбекистон босиб ўтган қисқа, аммо натижалари жиҳатидан асрларга тенг давр ҳақида гапирганда, аввало, режали иқтисодиётдан, тақсимлаш тизимидан, бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимига ўтиш бўйича биз танлаган, машҳур беш тамойилни ўз ичига олган “Ўзбек модели”, давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма - босқич изчил ислоҳ этиш ва барқарор ривожлантириш стратегияси ҳаётга тадбиқ этилди. Шу хусусда миллий иқтисодиёт жадал ривожланишининг омиллари ва манбалари, иқтисодий ўсишнинг устувор йўналишлари ҳамда порлоқ истиқболлари ҳақида фикр юритиш жоиздир. Мамлакат иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш

барча халқларнинг мақсади ҳисобланади. Шу тўғрисида замонавий иқтисодий ривожланиш энг долзарб ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилиш учун шароитлар яратиши лозим. Бу шароитларга жамият аъзоларининг фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини камайтириш, инсонни ҳар томонлама камол топтириш, меҳнат ва ижтимоий ҳаёт жараёнини инсонпарварлаштириш, мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш киради. Бунинг учун зарур барча ишлаб чиқариш омилларини модернизациялаш, инсон капиталига инвестициялаш ижтимоий муносабатлар тизими ва иқтисодий рағбатлантириш инструментларини жиддий ислоҳ қилиш жамият ижтимоий-иқтисодий ва институционал тараққиётини ҳамда инсонларнинг турмуш даражаси сифатини ошириш талаб этилади. Бу эса, иқтисодиётни узоқ муддатли барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқувчи иқтисодий фаолиятни интеллектуаллаштириш, иқтисодиётнинг ўсиш шартлари ва омилларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш, инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион фаолият иқтисодий фаолиятнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражаси, яъни иқтисодиётнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги инвестицион жараёнларга боғлиқ. Бизга маълумки, мамлакатдаги инвестицион жараёнлар инвестицион сиёсат орқали амалга оширилади ва тартибга солинади. Инвестицион сиёсат мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини оширишга ва инвестицион фаолиятни кенгайтиришга ёрдам беради.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ инвестиция фаолиятини

ривожлантиришга катта эътибор берилди. Чунки, бизнинг мамалакатда ҳам иқтисодий ривожланишга самарали инвестиция фаолиятисиз эришиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон мамлакат иқтисодиётини янада ислох қилиш ва модернизациялаш, айниқса, хусусий секторни ривожлантирар экан, инвестицион фаолиятни жадаллаштиришдаги халқаро тажрибаларга суянмоғи лозим. Бинобарин, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига дадил ва нуфузли тарзда кириб бораётганлиги мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий соҳаларидаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни талаб қилиши табиийдир.

Иқтисодиётни техник–иқтисодий модернизациялаш ва керак бўлса тубдан янгилаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, яъни ташқи ва ички бозордаги талабларга жавоб берадиган рақобатбордош товарлар ва хизматларни кўпайтириш ҳамда янгиларини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, ўтган йилларда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги тамоилидан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизация қилиш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғли тўғри ва

самарали амалга оширишга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари ва ҳукумати томонидан иқтисодийни модернизациялашни изчиллик билан амалга оширишда инвестицион сиёсатни тўғри ва аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда. Хусусан, иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқларини мутаносиб ривожланишини таъминлаш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олиш, шунингдек, жойларда аҳоли бандлигини ошириш мақсадида ҳар йили мамлакатимизда инвестиция дастури ва ҳудудий инвестицион дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Биргина 2015 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастурида барча маблағлар ҳисобидан 40605781 миллион сўмга тенг бўлган капитал қўйилмаларнинг сарфланиши кўзда тутилган эди (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун инвестиция

7

дастури

		2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2014 йилга нисбатан %
	Жами инвестициялар ҳажми, трлн.сўм	33.7	40.6	120.5
1	Марказлашмаган инвестициялар ҳажми, трлн.сўм	26.4	31.6	120.0
	Шу жумладан манбалари, фоизда			
1а	-корхоналарнинг тақсимланмаган фойдаси	38.6	37.0	-1.6
1б	-аҳоли маблағлари	27.3	25.0	-2.3
1в	-тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредит	19.8	21.0	+1.2
1г	-тижорат банклари кредитлари ва бош.қарзлар	14.3	17.0	+2.7
2	Марказлашган инвестициялар ҳажми, трлн.сўм	6.7	8.9	132.8
	Шу жумладан манбалари, фоизда			
2а	-болалар спортини риожлантириш жамғармаси	2.6	3.0	+0.4
2б	-бюджет маблағлари	23.3	20.0	-3.3

2в	-ЎР тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	20.7	23.0	+2.3
2г	-давлатнинг мақсадли жамғармалари	29.9	26.0	-3.9
2д	-давлат кафолатидаги хорижий инвестиция ва кредитлар	21.8	28.0	+6.2

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнги йилларда марказлашмаган инвестициялар манбаълари таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва тижорат банкларининг кредитлари салмоғи ошиб

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун инвестицион дастури тўғрисида»ги 2014 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2264-сон Қарори, www.lex.uz

борган. Марказлашган инвестициялар манбаълари таркибида эса бюджет маблағлари салмоғи камайган ҳолда, давлат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар салмоғи ошган.

2016 йилдаги Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 16,6 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3.7 миллиард доллардан ошди. Умумий қиймати 5.2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш якунланди.⁶

Мустақиллик йилларида макроиктисодий барқарорлик ва фаол инвестиция сиёсати натижасида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 5 баробарга ошди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ҳисобига саноатнинг ЯИМдаги улуши 14,2 фоиздан 24,1 фоизга ўсди, мамлакатнинг экспорт географияси кенгайди.

Иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда автомобилсозлик каби янги, замонавий технология билан жиҳозланган

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоийиқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

тармоқлар вужудга келди. Шунингдек, нефть-газ-кимё, электротехника, темир йўл, замонавий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати кенгайди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг жалб этилиши муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар жалб этилиб, ўзлаштирилди. Жами инвестицияларнинг 3,3 миллиард доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар ҳисобланади. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилиб, 2015 йилда умумий қиймати 7,4 миллиард долларга тенг 158 йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиши яқунланди.

Инвестиция муҳити хорижий тадбиркорлар фаолияти учун мақсад ва шунинг асосида уларга нисбатан муносиб ижобий муносабатни шакиллантириш имконини беради. У сармоядор капитал киритиш ҳақида қарор қабул қилишда ҳисобга оладиган шарт – шартларни ўзичига олади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, қулай инвестиция муҳитининг мавжудлиги, хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш учун барча зарур шароит ва преференциялар яратилганлиги 2015 йилнинг 5-6 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро инвестиция форумида ҳам алоҳида эътироф этилди. Бундан ташқари, мазкур форумда хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан ишончи тобора ортиб бораётганлиги яққол намоён бўлди.

Хусусан, кимё, тўқимачилик, ипакчилик, озик-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, рангли металлларга ишлов бериш каби

тармоқлар самарали йўналишлар саналади. Шу боис ҳам мазкур соҳалар ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда бозор ўзгаришларига тез мослашадиган, иқтисодий хавф-хатарларга бардошли кичик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хорижий ва ички инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, янги бозорларни эгаллашга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, савдоиқтисодий алоқалар ва халқаро майдонда миллий манфаатларимизни илгари суриш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат қўллаб-қувватлаши, ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини жадаллаштириш, хорижда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, савдо ваколатхоналарини ташкил этиш масалалари ҳам доимий диққатэътиборда. Бундан ташқари, мамлакатимизда агросаноат тармоғини, шу жумладан боғдорчилик, узумчилик, виночилик, сут саноатини, мевасабзавот ва консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, совутгич ва музлатгич мажмуаларини қуришни комплекс ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқилган.

Истиқлол йилларида ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши таъминланишининг асосий йўналиши ички ривожланиш манбаларига таяниш, ўз кучига ишониш, миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларини жалб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди (1.2 ва 1.3-жадваллар).

1.2-жадвал

Республикаимиз иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий 9 капиталга киритилган инвестициялар (млрд.сўм)

	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2012 йилга нисбатан
Саноат	7794,0	9813,4	13164,5	17041	218,6
Қишлоқ хўжалиги	1088	1334	1444,5	1375,4	126,4

Қурилиш	277,5	422,8	808,3	1057,1	380,9
Транспорт ва алоқа	4056,5	5112,3	4957,2	4665,5	115,0
Савдо ва овқатланиш моддий техника	1097,8	1538,8	2045,9	2341,1	213,2
Уй-жой,коммунал хўжалиги	4957,3	6660,4	8029,1	10011,4	201,9
Соғлиқни сақлаш,жисмоний тарбия	911	879,7	997,2	1055	115,8
Таълим	631,1	759,7	792,8	963,7	152,7
Бошқа тармоқлар	1984,1	2173,5	2993,8	3160,3	159,2

Жумладан, 2015 йилда 2012 йилга нисбатан асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори барча тармоқларда ошган ҳолда, бу кўрсаткич саноат ҳамда савдо ва овқатланишда 2.2 баробарга, қурилишда 3.8 баробарга ошган. Бунинг натижасида бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, мамлакатимиз ҳудудларида

⁹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.

юқори технологик ва самарали маҳаллий бизнесни ривожлантириш учун имкониятлар янада кенгайтирилмоқда.

1.3-жадвал

Республикаимиз иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий 10 капиталга киритилган инвестициялар таркиби (фоизда)

	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2012 йилга нисбатан
Саноат	34,2	34,2	37,4	40,9	119,5
Қишлоқ хўжалиги	4,8	4,6	4,1	3,3	68,7
Қурилиш	1,2	1,5	2,3	2,6	216,6
Транспорт ва алоқа	17,8	17,9	14,1	11,2	62,9
Савдо ва овқатланиш моддий-техника	4,8	5,4	5,8	5,6	116,6
Уй-жой,коммунал хўжалиги	21,7	23,2	22,7	24	110,5
Соғлиқни сақлаш,жисмоний тарбия	4	3,1	2,8	2,5	62,5
Таълим	2,8	2,6	2,3	2,3	82,1
Бошқа тармоқлар	8,7	7,5	8,5	7,6	87,3

Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида 2030 йилда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш асосида нефть-газ-кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотларини 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмларни 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитларни 3,2 баробарга кўпайтириш имконияти мавжудлиги айтилди. Бундан ташқари, пахта толаси ва мева-сабзавот маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш, ташқи ва ички бозорда харидоргир бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.

чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш мақсад қилинди.⁷⁸

Юртимиз эришаётган натижалар халқаро эксперт ва мутахассисларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Масалан, япониялик Юичи Танака (“Мицубиши Хитачи Системз” компанияси вакили) “ўзбек модели”нинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилиниши туфайли юзага келган мустаҳкам макроиқтисодий барқарорлик хусусий секторнинг жадал ўсиши, иқтисодиётда ушбу сектор сармоясининг ошиши, янги иш ўринларининг яратилиши, экспорт салоҳиятининг кенгайиши учун барча имкониятларни

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи,

⁸ .01.2016 й, № 11 (6446)

яратганлигини таъкидлаб, Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш ва модернизациялаш дастури унда ижобий таассурот уйғотганини эътироф этган.

Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунда айниқса сиёсий барқарорлик, миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиб бораётгани, (Ўзбекистон иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қилмоқда), географик ва геосиёсий жойлашуви, ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги, қулай солиқ ва божхона сиёсати ва юксак салоҳиятга эга ишчи кучининг мавжудлиги каби асосий омилларни ҳам қайд этиш лозим. Бельгиялик олим Хилберн Бойснинг фикрига кўра “Катта иқтисодий, минерал-хомашё ва инсон салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон хорижий сармоядорларни, аввало, мамлакатдаги барқарор сиёсий вазият билан ўзига жалб этади. Ушбу мамлакатда татбиқ этилаётган барча янгиликлар республикани янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва гуллаб-яшнашига кафолат бўлади”⁹

Ҳозирги глобаллашув шароитида, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий кескин кураш давом этаётган бир пайтда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш

⁹ Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. /№ 3/2011 й., 19 б.

республикада ўтказилаётган иқтисодийтни модернизациялаш сиёсатининг асосий тамойилларидир.

Модернизация бугунги кунда жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодаланади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида меҳнат унумдорлиги ўсади, асосий воситалар фойдаланиш муддатлари узайиши ва бошқалар ишлаб чиқаришга ижобий таъсир ўтказди (1.4-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, асосан, саноат тармоғида, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнида эришилган натижалар келтирилган. Унга кўра, меҳнат унумдорлиги 2005-2014 йиллар оралиғида 102,2 фоиздан, 105,2 фоизга ошган.

Бунга асосан ишлаб чиқаришга янги, замонавий техника ва технологиялар жалб қилиниши билан бирга, ишлаб чиқаришга юқори малакали, тажрибали кадрлар жалб қилиниши натижасида эришилган. Ушбу омиллар ишлаб чиқаришни экстенсив тарзда эмас, балки интенцив шаклда ривожлантирмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришга янги техникалар олиб келиниши ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш натижасида машина ва ускуналарнинг эскириши даражаси 2005-2014 йилларда 60,3 фоиздан 50,1 фоизга пасайган.

1.4-жадвал

Модернизациялаш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари 13 динамикаси, (фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар									2014 йилдан 2006 йилга нисбатан ўзгариши
	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	

Ўтган йилга нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати	102,2	105,0	104,9	110,0	103,5	97,2	99,0	105,6	105,6	3,4
Машина ва ускуналарнинг эскириш даражаси	60,3	54,3	59,0	58,6	55,5	52,7	52,4	50,9	50,5	-9,8
Асосий фаолиятдаги воситаларнинг янгиланиш даражаси	12,1	14,0	17,0	12,8	18,1	17,1	12,6	18,9	12,9	0,8
Машина ва ускуналарнинг янгиланиш муддати, йил	11,0	11,0	12,0	7,0	5,0	7,0	11,0	7,0	9,0	-2
Машина ва ускуналарнинг асосий фаолиятдан чиқиб кетиш даражаси	5,7	5,7	3,0	4,2	6,4	1,1	3,2	6,3	2,8	-2,9

Ишлаб чиқаришга янги асосий воситалар жалб қилиниши, уларнинг фойдаланиш муддатларини ҳам узайтирмоқда. Машина ва ускуналарнинг асосий фаолиятдан чиқиб кетиш даражаси 5,7 фоиздан 7,1 фоизга ўсди ва бошқалар ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда инвестиция сиёсатини амалга оширишда Республикамиз ҳукумати томонидан қуйидаги асосий тамойилларга устуворлик берилмоқда ва самарали ҳал этилмоқда:

¹³ Ўзбекистон Республикаси Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари

– республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шартшароитларни тобора яхшилаш;

– республикамизга жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга

кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш;

– маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларга йўналтириш;

– ташқи иқтисодий фаолиятда рақобат қила оладиган ва валюта тушумини таъминлайдиган етакчи тармоқларни кўллаб-қувватлаш;

– энергия тежамкор ва атроф муҳитга кам зарар етказадиган юқори технологик, замонавий ускуналарни ўрнатиш;

– маҳаллий шароитларга мос келадиган илғор хорижий технологияларни татбиқ этиш, ўзимизда яратилаётган ихтироларни рағбатлантириш ва билимлар иқтисодиётига маблағлар йўналтириш.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда чет эл инвестицияларини маҳаллий корхоналарга жалб этишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланган: табиий хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефт ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик тоза ишлаб чиқаришни ташкил этиш; илмталаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш; транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ихчам, арзон техника ва технологиялар асосида қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш; ресурс ва энергияни тежовчи асбобускуналар ишлаб чиқариш; дори-дармонлар, тиббиёт техникаси ва асбобларини ишлаб чиқариш; туризм индустриясини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 4 мартдаги ПФ-4707 Фармониға мувофиқ “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар” дастурининг қабул қилиниши саноат ишлаб чиқаришининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини

беради. Дастур таркибий ўзгаришларни изчил таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, барқарор иқтисодий ўсиш локомотивлари бўлишга қодир юқори технологияли саноат тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфи, моддий ва меҳнат харажатларини камайтириш бўйича мавжуд захиралардан янада тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, жаҳон бозорида талаб барқарор бўлган рақобатбардош тайёр товарлар ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бунинг учун хорижий инвестицияларни, жумладан, етакчи хорижий компаниялар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали фаол жалб қилиш мақсадида қабул қилинди. Ушбу Дастурнинг амалга оширилиши натижасида қуйидаги натижаларга эришиш прогнозлаштирилмоқда: - ЯИМнинг йилига ўртача 2015-2019 йилларда 8 фоиздан кам бўлмаслиги;

-2020 йилда саноатнинг улуши 27 фоизга етказиш;

-юқори технологик тармоқларнинг улуши 2014 йилдаги 62,0 фоиздан 2020 йилда 67,0 фоизга етказиш;

-2020 йилга бориб мамлакатимиз экспорт салоҳияти 18 триллион сўмга ва 2 миллиард долларга оширилади.

Мухтасар қилиб, шуни айтиш мумкинки, ишлаб чиқаришни техниктехнологик жиҳатдан қайта қуроллантирсак, биз биринчи навбатда кўзлаган мақсадларимизга, яъни рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, жаҳон бозорларида ўз ўрнимизга эга бўлишимиз, иқтисодий аҳволимизнинг янада яхшиланиши, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширилиши каби натижаларга эришган бўламиз.

2-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Республикамиз агросаноат мажмуаси корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ҳозирги ҳолати

Агросаноат мажмуасининг таркибий қисмлари бўлган қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи озиқ-овқат саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқлари ҳисобланади. Бу тармоқлар мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хом ашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хом ашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор ҳисобланади.


Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари ва даромад билан таъминлаб келмоқда. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган чуқур таркибий ислоҳотлар, ишлаб чиқаришдаги техник қуролланиш ва механизациялаш даражасининг ортиши ҳамда модернизациялаш жараёнлари натижасида 2015 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 16,6 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. 2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,6 фоизга, жумладан, мева-сабзавот-11.2фоиз, картошка-9.7 фоиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10.4 фоизга ўсди.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2000–2016 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш

суръатлари ошиб бориш динамикасига эга бўлди (2.1-диаграмма). Хусусан, бу кўрсаткич 2000 йилдаги 103,1 фоиздан 2016 йилда 106,6 фоизга ошди.

2.1- диаграмма

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш 14 динамикаси



Қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, юқори самарадорликка эришиш ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда молиявий маблағларнинг тутган муҳим ўрни тармоққа инвестициялар жалб этишни тақозо этади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб келади. Шу сабабли, 2010 йилнинг 15 декабрида Республикамиз

Статистика қўмитаси маълумотлари.

Президентининг саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий агросаноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, агросаноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда агросаноат тармоқларини ривожлантиришнинг комплекс дастури ва модернизация қилиниши, техник ва технологик янгиланиши, янгидан барпо этилиши кутилаётган йирик инвестицион лойиҳалар акс этган бўлиб, ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши қуйидаги вазифаларни ҳал этиш имкониятини берди:

- структура ҳосил қилувчи тармоқларни ривожлантиришнинг чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;
- Республикамиз агросаноат корхоналари маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва, умуман, иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив

кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимоотидаги роли ва ўрнининг юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефт-газ-кимё, тўқимачилик ва энгил саноат, машинасозлик ва автомобилсозлик каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;
- агросаноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, агросаноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, агросаноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;
- ишлаб чиқаришни Диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош агросаноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;
- ички агросаноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, агросаноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, агросаноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда

аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш ҳисобига агросаноат корхоналари ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;
- агросаноат корхоналари маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш ва б.

Юқоридаги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, уларнинг истеъмолчиларга талофатларсиз етиб боришини таъминлаш борасида хўжалик юритувчи субъектларга ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тадбирлар, турли хилдаги имтиёз ва преференциялар тақдим этилди.

Олиб борилган тизимли ишлар ва оқилona инвестиция сиёсати туфайли ўтган йилларда ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди.

Жумладан, Республикамиз бўйича 2016 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида хорижий инвестициалар асосида 10 та йирик лойиҳа амалга оширилди (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

**2016 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида амалга
15 **оширилган**
хорижий инвестиция лойиҳалари**

	2015 йилда	2016 йилда	2016 йилда 2015 йилга нисбатан,%
Тижорат банкалари орқали фермер хўжаликлари ва тадбиркорларни кредит маблағлари билан қайта кредитлаш.(млн АҚШ долл.)	26.1	113.0	432.9
Насос станцияларини қайта таъмирлаш,дона	2	8	400.0
Янги насос агрегатлар ўрнатиш,дона	18	43	238.8
Ерларни кафолатли сув билан таъминлаш,минг гектар	16.4	78.1	446.2
Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, минг гектар	21.1	48.0	227.5
Мева-сабзавотчилик йўналиши лойиҳалари асосида янги иш ўринлар яратиш,минг киши	1.3	2.5	192.3
Интенсив мевали боғларлар яратиш, минг гектар	0.3	3.2	10.7 баробар
Фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан янги иссиқхоналар қуриш, гектарда	110.4	61.2	55.4
Музлаткичли-омборхоналар қуриш,минг тонна ҳажмли	27.8	98.5	354.3
Қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш, минг тонна қувватга эга	15.0	114.0	7.6 баробар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2458-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 13 та лойиҳа бўйича 128,27 млн АҚШ доллари

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ахборот хизмати материаллари. миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳукумат кафолати остида амалга оширилаётган мазкур лойиҳалар бўйича 2016 йилда 150,04 млн АҚШ доллари (117%) миқдорида иш бажарилган.¹⁰

1. “Навоий вилоятидаги “Навоий” ва “Учқора” насос станцияларини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 38,26 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Франция Ҳукуматининг кредит маблағи 18,75 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 19,51 млн долларни ташкил этади. 2016 йилда 8,9 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 101,8 фоизга бажарилди.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ахборот хизмати материаллари.

2. “Наманган вилоятидаги “Кукумбой” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 11,41 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 3,89 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 7,52 млн долларни ташкил этади. 2016 йилда 2,19 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100 фоизга бажарилди.
3. “Навоий вилоятидаги “Кенимех-1” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 19,66 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 5,041 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 14,62 млн долларини ташкил этади. 2016 йилда 3,63 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100 фоизга бажарилди.
4. “Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш” лойиҳасининг умумий қиймати 144,2 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, 90,37 млн доллари Ислом Тараққиёт Банки кредити, қолган қисми эса Ўзбекистон ҳукуматининг улушидир. 2016 йилда 4,8 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 4,85 млн АҚШ доллари (101%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.
5. “Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш” лойиҳасининг умумий қиймати 406,29 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Осиё Тараққиёт Банки кредити 216,75 млн долларни, Япониянинг ЖИСА фондининг маблағи 108,97 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 80,57 млн долларни ташкил этади. 2016 йилда 2,59 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 2,62 млн доллар (101,2%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.
6. “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳасининг умумий қиймати 376,714 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 115,924 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши

ва 260,79 млн доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. 2016 йилда 10,22 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 10,22 млн доллар (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

7. “Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларини каналлар ва коллекторларни тозалашучун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 14,22 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3,16 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 11,06 млн доллари Хитой ҳукумати қарз маблағларидир. 2016 йилда 9,06 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 9,06 млн доллар (9,06%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

8. “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайтатиқлаш)” лойиҳасининг умумий қиймати 122,72 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларидир. 2016 йилда 0,28 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 0,28 млн доллар (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 июлдаги 3-сонли баёни топшириғига асосан лойиҳанинг нархи тупроқ ишлари ҳисобига (263,7 млн доллардан 213,6 млн долларгача) оптималлаштирилди ва 2 босқичга бўлиниб, 25 августда Вазирлар Маҳкамасида презентация қилинди. Ҳозирда лойиҳанинг ушбу оптималлаштирилган ТИАси Жаҳон банки томонидан кўриб чиқилмоқда ва Директорлар кенгаши тасдиғига 2017 йилнинг бошида киритилиши кутилмоқда.

10. “Қашқадарё вилоятидаги “Дўстлик 1-2-3” насос станциясини қуриш” лойиҳасининг умумий қиймати 21,23 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 14,2 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми

Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағларидир. Лойиха бўйича 2016 йилда 2,32 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 2,32 млн доллар (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

11. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. ИИ-босқич” лойиҳасининг умумий қиймати 131,65 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 103,42 млн доллари Жаҳон Банки қарзи, 11,98 млндоллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса бенифициарларнинг улушидир. 2016 йилда 10,1 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 10,1 млн доллари (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

12. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳасининг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 150,0 млн доллари Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки улуши, 34,20 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса лойиҳа ташаббускорларининг улушидир. 2016 йилда 67,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 90,0 млн доллар (133,1%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

13. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 28,33 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 20,44 млн доллари Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси улуши, 1,67 млн АҚШ доллари Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши, 5,24 млн доллари бенифициарлар улушидир.

Бугунги кундаги муҳим масалалардан бири Агросаноат мажмуаси корхоналарига жалб қилинган инвестиция маблағидан унумли фойдаланиш, яъни, инвестиция маблағидан фойдаланишни такомиллаштириш, қурилиш объектларининг муддатини қисқартириш, инвестиция маблағини долзарб

лойихага сарфлаш, қурилиш объектлари таннархини пасайтириш, юқори малакали кадрлар, фан-техника, илғор тажриба ютуқларидан фойдаланиш, ижтимоий ривожланишни тезлатишдан иборатдир.

2.2. Агросаноат мажмуаси корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этиш ва уларнинг самарадорлиги даражаси таҳлили.

Аҳоли сони ўсиб, жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари йилдан-йилга камайиб бораётганлигини барчамиз яхши биламиз. Аҳоли сони ўсиб бориши билан унинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби тобора ортиб бориши, албатта, табиий. Бундай шароитда қишлоқ хўжалигини тубдан модернизациялаш асосида ривожлантирмасдан туриб мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор равишда таъминлаш имконияти йўқдир.

Агар 1990 йилда мамлакатимизда аҳоли жон бошига 0,20 гектар суғориладиган ер тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 0,15 гектарни ташкил қилди. Аҳоли сони ўсишининг ҳозирги суръатлари сақланиб қолса, ҳисоб-китобларга кўра 2030 йилга бориб бир кишига 0,11 га суғориладиган ер тўғри келиши мумкин.

Бундай шароитда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб бориш, ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини қондириш билан бирга экспорт салоҳиятини оширишнинг бирдан-бир йўли соҳани замонавий технологиялар асосида интенсив ривожлантиришдир.

Бугунги кунгача иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилган бўлсада, қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда бир қатор ечимини кутаётган масалалар мавжуд.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажми юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Таҳлилларнинг кўрсатишича

2008-2016 йиллар давомида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўртача 6 фоиздан юқорини ташкил қилган.

Бироқ тармоқда бундан юқори кўрсаткичларга эришиш учун етарли имкониятлар мавжуд. Лекин бу имкониятлардан ҳар доим ҳам тўлиқ фойдаланилмоқда деб, айтиб бўлмайди.

Масалан, таҳлиллар мамлакатимизда айрим турдаги қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари бир қатор ривожланган давлатларда эришилаётган кўрсаткичларга нисбатан бир мунча паст эканлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, 2016 йил якунлари бўйича Ўзбекистонда бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлиги 55,4 ц/га ни ташкил қилди. Европанинг бир қатор давлатларида ҳосилдорлик кўрсаткичлари бирмунча юқори бўлиб, Голландияда 86,5 ц/га, Буюк Британияда 80 ц/га, Германияда 75 ц/га ни ташкил қилади.

Картошка ҳосилдорлиги Ўзбекистонда 212,8 центнерни ташкил қилса, Голландияда охириги 5 йиллик ўртача ҳосилдорлик 515 центнерни, Германияда 400-450 центнер, Бельгия ва Францияда 420-430 центнерни ташкил қилади.

Сабзаёт экинлари ҳосилдорлиги Ўзбекистонда 274,2 центнерни, Голландияда 581 центнерни, Австрияда 436 центнерни, Германияда 331,7 центнерни, Испанияда 369 центнерни ташкил қилади.

Ўзбекистонда 2014 йилда боғлардан ўртача 120,7 центнер ҳосил олинган. Бу кўрсаткич Европа давлатларида ўртача 600 центнерни ташкил қилади.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича ҳам шундай таҳлилларни келтириш мумкин. Ривожланган мамлакатларда бир бош сигирдан ўртача 7-

10 минг литрдан сут соғиб олинаётган бир пайтда бу кўрсаткич Ўзбекистонда 2,3 минг литрни ташкил қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизациялаш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш нақадар долзарб ва аҳамиятли эканлигини тушуниб олса бўлади.

Модернизация – бу юқорида такидлаганимиздек, бирор бир объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш орқали уни янги талаб ва меъёрлар, техник шартлар, сифат кўрсаткичларга жавоб берадиган ҳолга келтиришдир. Асосан машиналар, жиҳозлар ва технологик жараёнлар модернизацияланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий, юқори унумли, ресурстежамкор техника ва технологияларни жорий қилиш тармоқни модернизация қилишнинг асосий йўналашларидан бири ҳисобланади. Бунда қўл меҳнатини камайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда қўлланиб келинаётган анъанавий технологиялар замон талабига жавоб бермай қолди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳанузгача юқори ресурс сарфи, катта молиявий харажатларга асосланган технологиялар қўлланилиб келинмоқда.

Биргина мисол: кейинги йилларда республикаимиз бўйича ҳар гектар майдонга чигит сарфи ўртача 55-60 килограммни, бошоқли дон уруғи сарфи 250 килограммни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткичлардан 1,5-2 марта кам уруғ сарфлаб ҳам талаб этилган меъёрдаги кўчат қалинлигига эришиш мумкин. Бунинг учун экиш технологияси ўзгартириш, замонавий сеялкаларни сотиб олиш зарур бўлади.

Уялаб чигит экадиган замонавий сеялкалар Бухоро вилоятида бир неча йиллардан бери қўлланилиб келинмоқда. Натижада вилоятда бир гектар майдонга чигит сарфи республиканинг ўртача кўрсаткичидан ўртача 2 баробар кам бўлиб, 25-35 килограммни ташкил этмоқда. Оддий ҳисобкитоб қилинса, бир гектар майдондан 25 килограмм уруғни тежаб қолиш ҳисобига республика бўйича 32 минг тонна чигитни иқтисод қилиш мумкин.

Тежаб қолинган чигитдан олинадиган мой ва бошқа маҳсулотлар, чигит униб чиққандан кейин ғўза ниҳолларини яганалашга қилинадиган харажатларни ҳисоблаб чиқилса, бу борада қанчалик йўқотишларга йўл қўйилаётганлиги маълум бўлади.

Худди шунингдек, гектар ҳисобига 70-80 килограмм уруғлик ғаллани тежаш ҳисобига республика бўйича 80-85 минг тоннада ортиқ уруғлик ёки қарийб 120 млрд. сўм маблағни иқтисод қилиш мумкин.

Бу экиш билан боғлиқ бўлган биргина мисол. Бошқа агротехник тадбирлар бўйича ҳам шундай ҳолат кузатилади. Айниқса, пахта етиштиришда айрим агротехник тадбирлар керагидан ортиқча ўтказилади.

Юқоридагиларнинг барчаси ортиқча харажатларни келтириб чиқаради ва маҳсулот таннархининг юқори бўлишига олиб келади. Бу эса пировард натижада фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигига, соҳада ўзаро қарздорликларни ошиб кетишига олиб келади.

Суғоришнинг илғор технологияларини, шу жумладан, томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш соҳани модернизация қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бироқ бу соҳада амалга ошираётган ишлар бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Шу сабабли, мамлакатимизда агросаноат тармоғини, шу жумладан боғдорчилик, узумчилик, виночилик, сут саноатини, мева-сабзавот ва консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, совутгич ва музлатгич

мажмуаларини куришни комплекс ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли Қарорига асосан 2013-2017 йиллар давомида жами 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этилиши белгиланган.

Ушбу қарорда томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига тежалган сув ресурсларидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, сувни тежайдиган технологияларни жорий этадиган ер эгаларига суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредит линиялари орқали имтиёзли фоизларда кредит олиш мумкинлиги белгиланган.

Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 6%, шу жумладан, банк маржаси – 3% миқдорда белгиланганлиги қишлоқ хўжалиги ер эгаларига берилган энг катта имтиёздир.

Шу билан бирга, 2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 367-моддасига киритилган ўзгартиришларга асосан юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилди.

Маҳсулотнинг таннархини пасайтириш мақсадида Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологиялари учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган ташкилотларга декларация қилинган нархлар бўйича полиэтилен гранула харид қилиш учун ҳар йиллик квоталар ажратилмоқда.

Томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларни жорий этишнинг прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилган.

2013 йилда 3500 гектарда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш белгиланган бўлиб, амалда 2362 гектарда ёки режага нисбатан 67,5% майдонда жорий этилди.

2014 йилда эса 5000 гектарда суғориш технологиясини жорий қилиш белгиланган бўлиб, амалда 4898 гектар ёки режага нисбатан 98% майдонда жорий этилди.

Томчилатиб суғориш тизимини жорий қилувчи ер эгаларига Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармасининг кредит линияси орқали 2014 йил давомида 5,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

2015 йил учун 5300 гектарда суғориш технологияси жорий этилди.

Давлат дастурига киритилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш лойиҳаларни амалга оширишда фермер хўжаликлари ва бошқа ер эгаларига Жамғарма кредит линияси ҳисобидан республика бўйича 10 млрд. сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар тижорат банклари орқали йиллик 6 фоизлик имтиёзли кредит сифатида тақдим қилинмоқда.

Бундай имкониятдан унумли фойдаланиш, соҳада замонавий технологияларни жорий қилишга, иккинчидан, сувни иқтисод қилишга олиб келади.

Соҳага замонавий технологияларни жорий қилишда хорижий инвестицияларнинг аҳамиятини каттадир.. Шу сабабли Ҳукуматимиз томонидан халқаро молиявий институтлар (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро қишлоқ хўжалиги ривожлантириш жамғармаси ва бошқ.) маблағларини жалб қилиш имкониятлари яратиб берилляпти.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, соҳага янги техника ва технологияларни жорий қилишда соҳа ходимларининг билим даражаси ҳамда малакаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бугунги кунда ишлаб чиқаришга кириб келаётган замонавий комбайнлар, юқори унумли тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқариш, уларга техник хизмат кўрсатишда кўп ҳолларда ишчи ва мутахассисларнинг малакаси етишмаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Замонавий техникага тўғри муносабатда бўлмаслик натижасидан ундан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлиши, унинг тез-тез бузилиши кўпчиликда юқори технологиялар асосида яратилган техника воситаларига нисбатан салбий фикрни уйғотиши мумкин.

Шу сабабли, фермер хўжаликлари раҳбарлари, оператормеханизаторлар, инженер-техник ходимларни доимий равишда малакасини ошириш, янги техника воситасидан фойдаланишга ўқитиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Маълумки, чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли мазкур тармоқни тубдан модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ҳукуматимиз томонидан тасдиқлаб берилган дастурларга асосан республикамизга зотли қорамоллар олиб

келинаётганлиги, қорамоллар зотини яхшилаш мақсадида сунъий қочириш тадбирлари кенгайтирилаётганлигига қарамасдан, тармоқда амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда чорвачилик тармоғини куйидаги йўналишларда модернизациялаш тадбирларини амалга мақсадга мувофиқдир:

1. Чорва хайвонлари наслини яхшилаш чораларини (сунъий қочириш, четдан насли қорамол олиб келиш) кўриш.
2. Ихтисослашган фермер хўжаликларини замонавий сут соғиш ускуналари билан таъминлаш.
3. Жаҳоннинг илғор технологиялари асосида қишлоқ хўжалик хайвонларини озиклантиришни жорий этиш. 4. Чорвачиликда механизация даражасини ошириш.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги техникалари ва механизмаларининг кўп қисми ўз фойдаланиш муддатларини ўтаб бўлганлиги натижасида ортиқча сарф-харажатлар қилинаётганлиги барчага маълум. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини техник ва технологик қайта қуроллантириш дастурида ҳар йили ўртача 10-15 фоизга замонавий, юқори унумли унумли техникалар сотиб олиш кўзда тутилмоқда. Соҳани модернизация қилишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кўпайтириш, бунда фақат жаҳон стандарти талаблари асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратиш лозим .

Шунингдек, комплекс модернизация дастурида, юқорида таъкидланганидек, нафақат қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида, балки соҳанинг барча бўғин ва тармоқларини малакали, юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрлар билан таъминлаш ҳам диққат марказида бўлиши лозим.

Соҳани модернизация қилиш бўйича ўтказиладиган барча тадбирлар пировард натижада ресурс сарфини камайтириш, сифатли ҳамда арзон маҳсулот етиштириш, атроф-муҳитга етказилаётган зарарни минимал даражага тушириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор даражада ошириб бориш орқали ички талабни қондирган ҳолда мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш имконини бериш лозим.

2.3. Фарғона вилояти агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиш ҳолати таҳлили.

Фарғона вилоятида 2016 йилда вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида барча соҳаларда белгиланган Дастурлар доирасида муҳим вазифаларни бажарилишини таъминлаш, рақобатбордош ва бозор талабларига мос бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенг йўлга қўйиш, экспорт салоҳиятини ошириш, ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, нарҳ-навонинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда пировардида аҳолининг реал даромадларини ошириш борасида белгиланган чора-тадбирлар асосида кенг кўламли ишлар олиб борилди. Жумладан;

2016 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги баҳоларда 4032,4 млрд. сўмга ёки 2015 йилга нисбатан 106,2 % га кўп бажарилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни 34,1 фоизи ёки 1376,0 млрд. сўмлигини чорвачилик маҳсулотларини, 63,9 фоизи ёки 577,6 млрд.сўмлигини деҳқончилик маҳсулотларини, 2,0 фоизи ёки 78,7 млрд сўмини бошқалар ташкил этган.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари улуши 32,6 фоизни, деҳқон хўжаликларининг улуши эса 64,0 фоизни, бошқа хўжаликларнинг улуши эса 1,6 фоизни ташкил этган.

Вилоятда Ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини

барқарор таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмларини кўпайтириш ва ички истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида мевасабзавот, картошка, гўшт, сут, тухум, асал, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни сақлаш, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича манзилли Дастурлар асосида ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 январдаги №1-сонли “2016 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишнинг истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, вилоятда мевасабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ўз вақтида қайта ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда жорий йилда мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириш мақсадида 2016 йил 8 январда вилоят ҳокимининг №10-сонли қарори қабул қилинган.

Қарорга асосан 2016 йилда вилоят бўйича барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 465,3 минг тонна мева (ўтган йилга нисбатан 112,3%), 867,2 минг тонна сабзавот (110,0%), 304,4 минг тонна картошка (110,0%), 77,9 минг тонна полиз (109,6%), 127,8 минг тонна узум (112,6%) маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Вилоятда мавжуд 3357.9 минг аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган йиллик талаби мева билан 212 фоизга, узум 278 фоизга, сабзавот 226 фоизга, полиз 102 фоизга, картошка 180 фоизга талаби қондирилган.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 февралдаги №34-сонли “2016 йилда республика ҳудудларида янги совуткичли сиғимлар қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги йиғилиш баёнига асосан вилоятда 2016 йил давомида умумий қуввати 16,3 минг тонна (100%) (шундан, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси тизимидаги корхонада 500

тонна, бошқа хусусий корхоналарда 15,8 минг тонна) янги музлаткичли камералар куриб, фойдаланишга топширилган. Совуткичли омборхоналарни ташкил этиш учун жами 27,1 млрд сўм, шундан 13,7 млрд сўм банк кредитлари, 13,4 млрд сўм ташаббускорларнинг ўз маблағлари сарфланган.

Вилоятимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш борасида катта имкониятларга эга. Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда етиштирилаётган пахта ва бошоқли доннинг асосий қисми вилоятнинг ўзида қайта ишланмоқда. Лекин, пахтанинг 100,0 фоизи, бошоқли доннинг салкам 70 фоизи қайта ишлашга йўналтирилган ҳолда, етиштирилган узумнинг 17,1 фоизи, сабзавотнинг 18,4 фоизи, меванинг 19,2 фоизи, гўштнинг 14,2 фоизи, сутнинг 18,3 фоизи қайта ишланган ҳолос.

Вилоятда 2011-2015 йиллар давомида умумий қуввати 41,8 минг тоннали сиғимдаги совуткичли омборхоналар ишга туширилиб, ушбу мақсадларга 45.2 млрд сўмлик маблағлар йўналтирилган.

Вилоят бўйича 2015 йилда асосий капиталга 2132.8 млрд.сўм инвестициялар киритилган бўлиб, бу 2000 йилга нисбатан 40.7 ва 2010 йилга нисбатан 2.5 баробар кўпдир. Шунингдек, бу кўрсаткични туманлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак, асосий капиталга инвестициялар киритиш 2000 йилга нисбатан Ёзёвон туманида 121,0баробар, Фарғона туманида 107.8 баробар, Учкўприк туманида 71.4 баробар кўпайган. 2010 йилга нисбатан бу ўсиш эса Фарғона туманида 7.7 баробар, Фурқат туманида 4.3 баробар ва Сўх туманида 3.1 баробарни ташкил этган ҳолда, Қўштепа туманида 14.8 фоизга камайган (2.2-жадвал).

Вилоятда 2016 йил 1 январ ҳолатига жами рўйхатдан ўтган ҳорижий инвестицияли корхоналар сони 152 тани (шу жумладан 123 та қўшма

корхона, 29 та хорижий корхона) ташкил этиб, бу корхоналардан 146 таси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, фаолият кўрсатиб келаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг 2015 йилда ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар ҳажми 1161,5 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,2 фоизни ташкил этмоқда. Вилоят ялпи sanoat ишлаб чиқаришидаги улуши 20,0 фоизга тенг бўлмоқда.

2.2-жадвал

Фарғона вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар 17 динамикаси

	2000 йилда (млн.сўм)	2005 йилда (млн.сўм)	2010 йилда (млн.сўм)	2015 йилда (млн.сўм)	2015 йилда нисбатан,%		
					2000 йилга	2005 йилга	2010 йилга
Вилоят бўйича-жами	52,4	162,3	849,1	2132,8	4070,2	1314,1	251,2
Шахарлар:							
Ферғона	21,3	40,9	257,1	430,4	2020,7	1052,3	167,4
Кўканд	2,2	31,8	147,9	231,2	10509,1	727,0	156,3
Кувасой	1,4	17,1	24,2	73,6	5257,1	430,4	304,1
Марғилон	1,5	6,7	40,7	58,9	3926,7	879,1	144,7
туманлар:							
Олтиарик	2,1	4,0	32,8	63,9	3042,9	1597,5	194,8
Қўштепа	1,4	3,0	56,2	47,9	3421,4	1596,7	85,2
Бағдад	1,1	5,0	24,9	65,3	5936,4	1306,0	262,2
Бешарик	1,4	6,0	38,0	59,8	4271,4	996,7	157,4
Бувайда	0,8	4,3	19,0	46,5	5812,5	1081,4	244,7
Дангара	2,8	3,0	27,3	60,7	2167,9	2023,3	222,3
Кува	2,8	4,1	18,1	94,8	3385,7	2312,2	523,8
Риштон	2,5	4,0	29,7	67,5	2700,0	1687,5	227,3
Сўх	0,7	1,9	11,4	34,9	4985,7	1836,8	306,1
Тошлақ	1,1	5,1	42,2	69,9	6354,5	1370,6	165,6
Ўзбекисон	1,5	4,5	26,2	60,3	4020,0	1340,0	230,2
Учкуприк	0,8	8,4	22,7	57,1	7137,5	679,8	251,5
Фарғана	1,6	4,3	22,5	172,7	10793,8	4016,3	767,6
Фуркат	0,8	1,7	9,9	42,2	5275,0	2482,4	426,3
Ёзёвон	1,3	3,3	83,9	157,3	12100,0	4766,7	187,5

Корхоналар экспорти 193,2 млн.АҚШ долларга етиб, ўсиш 100,4 фоизни, экспортнинг вилоят жами экспортидаги улуши 39,7 фоизни ташкил этмоқда.

2015 йилда 29 та янги хорижий инвестицияли корхоналар ташкил этилган. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг фақат 3 таси ,жумладан Риштон туманидаги Ўзбекистон-Б.Британия “Страус” ҚК (паррандачилик), Ўзбекистон-Б.Британия “Страус фарм” ҚК (паррандачилик), Қўштепа туманидаги Ўзбекистон-Қозоғистон "Legenda zolotoy dolini" ҚК (мева-сабзавотларни қайта ишлаш) корхоналари агросаноат мажмуаси таркибида ташкил этилган.

¹⁷ Фарғона вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

Вилоят бўйича 2015 йилда асосий капиталга 76.4 млн. долл. миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 5.2 баробар, 2005 йилга нисбатан 105.2 фоизга ошган бўлса, 2010 йилга нисбатан 46.2 фоизга камайган (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Фарғона вилоятида асосий капиталга киритилган хорижий 18 инвестициялар динамикаси

	2005 йилда (млн.долл.)	2010 йилда (млн.долл.)	2013 йилда (млн.долл.)	2015 йилда (млн.долл.)	2015 йилда нисбатан		
					2000 йилга	2005 йилга	2010 йилга
Вилоят бўйичажами	14,8	72,6	119,8	76,4	516,2	105,2	63,8
Шахарлар:							
Ферғона	7,8	27,8	21,7	8,5	109,0	30,6	39,2
Қўканд	1,2	7,8	36,7	19,5	1625,0	250,0	53,1
Кувасой	0,4	1,6	6,5	0,1	25,0	6,3	1,5
Марғилон	1	0,6	0,7	0,4	40,0	66,7	57,1
туманлар:		0					
Олтиарик	0,1	0					
Қўштепа		18,8					
Бағдад	0,1	0,9					
Бешарик		9,4		0,2		2,1	
Бувайда	0,1	0					
Дангара		2,1		0,5		23,8	
Кува		0		0,1			
Риштон	3,5	0	0,1	0,1	2,9		100,0

Сўх		0					
Тошлак	0,5	3,6	0,3	4,1	820,0	113,9	1366,7
Узбекистон		0		1,8			
Учкўприк	0,1	0					
Фаргана		0	0,1	7,4			7400,0
Фуркат		0,03		0,1		333,3	
Ёзёвон							

Сўнги йилларда Олтиариқ, Кўштепа, Боғдод, Бувайда, Сўх, Учкўприк ва Ёзёвон туманларида асосий капиталга умуман хорижий инвестициялар жалб этилмаган. Бу эса вилоят, туманлар ва корхоналар раҳбарларининг сўнги йилларда асосий капиталга хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллиги пасайганлигини билдиради.

¹⁸ Фарғона вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

**3-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ КОРХОНАЛАРИДА
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ
ИНВЕСТИЦИОН САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ 3.1.Агросаноат мажмуаси корхоналарини
инновацион фаолияти**

самарадорлиги ва уни ошириш йўллари

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришмоқда. Айнан, агросаноат мажмуаси тармоқларини ривожлантириш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар, амалга оширилаётган йирик лойиҳа ҳамда дастурларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани муҳим аҳамиятга молик масалалардан биридир.

Мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтиришга олиб келади. Бозор ўзгаришлари жараёнларининг таҳлили, ислохотлар олиб борилган йиллар мобайнида саноатда сезиларли таркибий ўзгаришлар юз

берганлигидан далолат беради. Бу ўзгаришлар аввало, давлат мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлашга, иқтисодий, шу билан бир қаторда энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, бой табиий иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланишга йўналтирилган эди. Мустақиллик йилларида реал сектор тармоқларининг ривожланиши натижаларининг таҳлили кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари бозор шароитига мослашганлигини ва давлат кўмаги ёрдамида юқори самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда реал сектор тармоқлари ривожланаётган тармоқ ҳисобланиб, унда юздан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Агросаноат мажмуаси корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни рағбатлантириш ҳамда кўллабқувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига асосан 2015 йилда озиқовқат саноатида ишлаб чиқариш умумий ҳажми 16729,2 млрд.сўмни, ўсиш суръати эса 2014 йилга нисбатан 114,4 %ни ташкил этди. Тармоқнинг республика саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 2014 йилдаги – 17,1 %дан 18,2 %га етди.

2014 йилга нисбатан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми шакар саноатида–23,7 %га, мева ва сабзавот саноатида–17,9 %га, гўшт ва сут саноатида – 5,7 %га, ёғ ва мой саноатида –3,7%га ўсгани кузатилди.

2015 йилда 2014 йилга нисбатан, тармоқнинг йирик корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмлари қуйидаги маҳсулот турлари бўйича оширилди: гўшт консервалари – 8,0 мартага, гўшт ва ўсимлик консервалари – 2,0 мартага, шинни (меласса) – 40,9%га, маргарин ва спредлар – 16,5%га, мармелад, желе – 20,2%га, узоқ сақланмайдиган қандолат маҳсулотлари – 17,8%га, шакар – 16,3%га, узоқ сақланмайдиган бошқа нон маҳсулотлари –

14,0%га, ишлов берилган суюқ сут – 11,4%га, сарёғ – 7,9%га, буғдой нони – 6,3%га.

Шунингдек, 2014 йилга нисбатан, спирт настойкалари (113,4%), пиво (105,3%) ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг асосий қисми Тошкент шаҳри (тармоқнинг умумий ҳажмидаги улуши 22,2%), Тошкент (18,2%), Самарқанд (13,4%) ва Фарғона (6,5%) вилоятлари корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Тармоқдаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 2014 йилга нисбатан 14,3%га ошиши таъминланди, ҳамда уларнинг озиқ-овқат саноати жами ҳажмидаги улуши 69,0 %ни ташкил этди.

2015 йилда республикада 1501та озиқ-овқат саноати корхоналари янгидан ташкил қилинди, 2016 йил 1 январь ҳолатига республикада тармоқнинг 8711 та корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

2016 йилда Республикамиз иқтисодиётига 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 1915 йилга нисбатан 9,6 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чоратадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини 6,6 фоиз, жумладан, мева- сабзавот-11,2 фоиз, картошка -9,7 фоиз, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоиз ўсишини таъминлади.

Шу билан бирга турли сабабларга кўра қабул қилинган лойиҳалар белгиланган муддатларда якунига етказилмай қолмоқда ёки амалга оширилган лойиҳалар натижалари белгиланган самарани бермаяпти.

Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “ ...тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқаришда юзаки ёндашувларга йўл қўйилмоқда.”¹¹

Бундай ҳолатларнинг юзага келишига асосий сабаблар ҳукумат томонидан тасдиқланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, иқтисодий ночор, кам қувватли ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат соҳасини ривожлантиришга оид дастурларни молиялаштиришда амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳаларнинг лойиҳа ташаббускорларининг мавжуд имкониятлари чуқур таҳлил қилинмаган ҳолда киритилиши, яъни лойиҳалар бўйича етарли миқдорда гаров таъминотининг мавжуд эмаслиги, аввал олинган кредитлар, бюджет ва солиқ органларидан қарздорлиги мавжудлиги, лойиҳа ҳужжатларидаги молиявий кўрсаткичларининг талабга жавоб бермаслиги ушбу лойиҳаларнинг амалга оширишда белгиланган муддатларда молиялаштирилмай қолишига олиб келмоқда. Аксарият ҳолларда эса ҳудудий ва инвестиция дастурларига киритилган ташаббускорларнинг лойиҳа ҳужжатлари (бизнес режа, техник иқтисодий асоснома) талаб даражасида эмаслиги ушбу лойиҳаларни дастурларда белгиланган муддатларда ишга тушуришга қийинчилик туғдирмоқда.

Шу муносабат билан келгусида ушбу муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

- дастурга киритилиши мўлжалланган ҳар бир лойиҳани тижорат банклари томонидан пухта ўрганиб чиққанидан сўнг шакллантириш;
- лойиҳа ташаббускорларнинг гаров таъминоти етарлилиги, амалга оширилиши мўлжалланган дастлабки лойиҳа ҳужжатларидаги

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

молиявий кўрсаткичларининг талабга жавоб бериши, аввалги кредитлардан, бюджет ва солиқ органларидан қарздорлиги мавжудлигига, биноиншоотлар, ер майдонига эгалик қилиш ҳуқуқининг (маҳаллий ҳокимиятларнинг қарорлари, зарурий гувоҳномалар) мавжудлигини ўрганиш;

- дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишида ташаббускорларга яқиндан амалий ёрдам бериш, хусусан ўз вақтида уларга ер ва бинолар ажратилиши, лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, зарур коммуникация тармоқлари (электр энергияси, газ, сув, канализация ва бошқалар)га уланиш, тегишли лицензия ёки рухсатномалар олиш юзасидан тегишли чораларни кўриш;

- амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмаган лойиҳалар ўрнига инвестиция миқдори ҳамда ташкил этиладиган иш ўринлари кам бўлмаган янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, дастурларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши юзасидан зарур ишларни амалга ошириш;

- дастурга киритилаётган лойиҳалар бўйича молиялаштириш манбаалари ва муддатларини лойиҳаларнинг мавсумийлигини, лойиҳа ташаббускорининг мавжуд имкониятларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кредит суммаси ва молиялаштириш муддатларини белгилаш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш йўли билан уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 16июндаги 175-сонли қарори билан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида лойиҳа ғояларини танлов бўйича танлаш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш ҳамда республика тижорат банклари томонидан

инвестиция лойиҳалари молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Худудий дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга оширишда мазкур Фонд билан ҳамкорликни кучайтириш лозим. Реал сектор тармоқларининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор таркибий ўзгаришларга қаратилган бўлиб, улар sanoat тармоқларидаги макроиктисодий кўрсаткичларва таркибий силжишлар билан биргаликда башорат қилинади. Sanoatning тармоқ таркибини 2030йилга қадар такомиллаштириш ЯИИМда sanoat улушини ривожланган давлатларда ЯИИМ таркибидаги характерларга хос бўлгани каби 2015йилдаги 33,5%дан 2030 йилда 40% ошириш билан асосланади (3.1диаграмма).

Ушбу мақсадга эришиш учун, шуни айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Айни вақтда бу ишлар юқори салоҳиятга эга бўлган ҳар бир турдаги истиқболли хомашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг 2020, 2025, 2030 йилларга мўлжалланган аниқ дастурига эга бўлиш учун мутлақо янги дастурий комплекс ёндашувни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновация технологияларини жорий этиш бўйича узлуксиз жараённинг мантиқий давоми бўлди.

3.1-диаграмма¹²

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

2030 йилгача маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш,
марта



Агросаноат мажмуаси корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш серқира ва мураккаб жараён дир. У, энг аввало, корхоналарда узоқ вақт фойдаланиб келинаётган, бугунги кунда ҳам жисмонан ҳам маънавий эскирган асбоб-ускиналарни қўллаш умумий ҳолда ресурслар сарфи ошиб кетиши, нуқсонли ва яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, уларнинг сифати ҳамда истеъмол хусусиятлари пасайишига олиб келса, маънавий эскирган асбоб-ускиналар таннархига нисбатан юқари бўлиши ёки замонавий истеъмол даражасига жавоб бермаслиги орқали жиддий муаммаларни келтириб чиқаради. Бироқ, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳозирда корхоналарда мабжуд бўлган ва ишлатилиб келаётган асбоб-ускиналарни замонавий жиҳозлар билан қисқа муддатда ва ялгисига алмаштириб бўлмайди. Бу, биринчидан, жуда катта молиявий маблағларни тақоза эца, иккинчи томондан, амалдаги ишлаб чиқариш жараёни тўхтатиб қўйилишига олиб келади. Шунга кўра, корхона кўлами, маҳсулотнинг аҳамияти, техник-технологик ва молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ушбу жараённи босқичма-босқич, изчил равишда амалга ошириш ўта муҳим.

Эскирган асбоб-ускунаалардан воз кечиш ўз ўрнида ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш вазифасини кўндаланг кўяди. Ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологияларнинг қўлланилиши куйдаги имкониятларни келтириб чиқаради:

-жаҳон миқёсидаги талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши;

-маҳсулот таннарқи аҳамиятли даражада пасайтирилиши ҳисобига корхонанинг молиявий натижалари юқори болиб, имкониятлари кенгайиши;

-хом-ашё ва ресурслар тежалиши;

-атроф-муҳитга салбий таъсир қисқариши ва ҳ.к.

Агар мазкур техника ва технологиялар инновацион тавсивга эга, яъни илгари амалда қўлланилмаган ишланма ва ғояларга асосланган бўлса, у холда улардан фойдаланишнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти янада юқорироқ бўлади. Инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ушбу соҳада қўлланиб келинаётган технологияларга нисбатан юқарироқ самарага эришиш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, агросаноат тармоқлари таркибини таркибий ўзгартирилиши натижасида ишлаб чиқаришни модернизациялашга эришиш ва тармоқларни диверсификациялаш жараёнини такомиллаштиришга олиб келади.

3.2. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида агросаноат мажмуаси тармоқларининг инвестицион фаоллигини ошириш йўналишлари.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармонига асосан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг учунчи устувор йўналиши мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда:

- иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;

- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;

- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш;
- хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш; - ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоийиқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш вазифалари қўйилган.

Бунда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия

манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек ушбу йўналиш хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

2017 — 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади. 2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд. долларлик 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, шу жумладан: мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 млн. долларлик 63 та лойиҳа амалга оширилиб, натижада, 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш мақсадида:

- таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;
- пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;
- фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий

этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

- касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш вазифалари белгиланган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш:

- ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, бунда: пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш;

- қисқартирилган экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, жумладан, картошка — 8,1 минг гектар, сабзавот — 27,2 минг гектар, интенсив боғ — 5,9 минг гектар, токзор — 2,9 минг гектар, озуқа экинлари — 10,9 минг гектар ва мойли экинлар — 4 минг гектар. - паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 млрд. сўмга қисқартириш;

- кўшимча 1 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

- ҳудудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингга етказиш;

- мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2 баробар оширишни назарда тутати. Шунингдек, 5 йил давомида замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дарахтларни экиш орқали интенсив боғ ва узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп

мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, жумладан:

- 13 минг гектар майдонда янги интенсив боғ ва 7,3 минг гектар токзорлар ташкил қилиш ҳамда 15,4 минг гектар боғ ва 9 минг гектар токзорларни реконструкция қилиш;
- мавжуд паст рентабелли боғ ва токзорларни босқичма-босқич, йилига 10 фоиздан ёки 26,4 минг боғ ва 14,1 минг токзорларни интенсив усулга ўтказиш;
- янги ташкил этилаётган ва мавжуд интенсив боғ ва токзорларга босқичма-босқич йилига 5,7 минг гектардан томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш;
- республика тупроқ-иқлим шароитига мос пакана ва ярим пакана дарахт кўчатлари ва пайвантаклари етиштириш ҳажмини камида 7000 мингтага ошириш;
- 2016 йилдаги жами мевали боғлар майдонида интенсив боғларнинг 10 фоиз улушини 2020 йилга бориб 30 фоизга ошириш натижасида уларнинг ҳосилдорлигини камида 3-4 мартага ошириш.
- 734,9 км магистрал, туманлараро, хўжаликлараро коллекторларни, 348,3 км ёпиқ-ётиқ дренаж тизимларини, 6 дона мелиоратив насос станцияларини, 79 дона мелиоратив тик қудуқларни, 131 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш;
- 14537,2 км очик коллаторларни, 1330,5 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини, 15 дона мелиоратив насос станцияларини, 791 дона мелиоратив тик қудуқларни, 2277 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш;
- 500 км каналларни, 74 км суғориш лоток тизимини, 106 дона гидротехник иншоотларни, 10 км босимли сув қувурларини, сифими 625

млн. метр кубга тенг бўлган сув омборларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 0,5 км қирғоқбўйи минтақасини ҳимоялаш;

- 142 дона мелиоратив техника ва жиҳозларни сув хўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг орқали етказиш
- 270,5 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш, 276,2 минг гектар суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлаш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, жумладан, сабзавот — 105,7%, картошка — 106,3%, полиз — 106,1%, мева — 106%, узум — 105,7%, гўшт — 105,6%, сут — 108,1%, тухум — 111,3%, балиқ — 120% ва асал — 118,2 %га;
- 394 гектар майдонга 503 та иссиқхона хўжаликлари ва 6885 та аҳоли шахсий томорқаларидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар қуриш;
- хўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омборларини ташкил қилиш ва 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омборларни модернизация қилиш;
- музлаткичли омборларнинг умумий ҳажмини 632 минг тоннага етказиш ва 1000 та янги иш ўринларини яратишни талаб этади.

2017 йилда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун Халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш:

- ✓ Осиё тараққиёт банкининг 150,0 млн.доллар маблағини «Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини модернизация қилиш» лойиҳасига;
- ✓ Халқаро тараққиёт ва тикланиш банкининг 150,0 млн.долл. маблағини «Чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасига;
- Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармасининг 23,8 млн.доллар маблағини «Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида сут маҳсулотларини ишлаб

чиқаришни кенгайтириш ва қайта ишлашни ривожлантириш» лойиҳасига жалб этиш.

3.3. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини модернизациялашни такомиллаштириш ва улар инвестицион самарадорлигини ошириш йўллари

Мустақиллик йилларида аграр соҳада амалга оширилган мулкыйтаркибий ислоҳотлар жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, жумладан, хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Ўтган йиллар давомида фермер хўжаликлари аграр соҳада бутунлай янги хўжалик юритиш шакли сифатида вужудга келишдан бошлаб то асосий қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчисига айланишигача бўлган йўлни босиб ўтди. Уларнинг молиявий барқарорлиги ва тўловга қобиллиги мустаҳкамланди, шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва экинлар ҳосилдорлиги ҳам ошиб борди. Бугунги кунда фермер хўжаликлари ўз тасарруфида етарлича экин майдонлари ва чорва молларига эга бўлган, замонавий техникалар ва илғор технологиялар билан қуролланган, кундан-кунга иқтисодий самарадорлиги ҳамда тўловга қобиллиги юксалиб бораётган йирик хўжаликларга айланиб бормоқда.

Бугунги кунда замонавий фермер хўжалиги нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уларни чуқур қайта ишлаш, аҳолига турли иш ва хизматлар кўрсатиш билан ҳам шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг молиявий барқарорлиги ҳамда тўловга қобиллигини мустаҳкамлаб, рақобатбардошлигини таъминлашга ёрдам беради.

Шу сабабли Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сонли Фармонида мувофиқ Республикада кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш амалга оширилмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантииш масаласини ҳал этишда куйилган мақсад - мавжуд ер-сув, меҳнат ресурслари, нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар, техника воситалари, бино ва иншоотлар каби воситалардан унумли фойдаланган ҳолда фермер хўжалигининг оладиган фойдаси миқдорини ошириш ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг оладиган фойдаси миқдорини ошириш эса - мавжуд ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, илтор тажрибалар, аграр илм-фани ютуқларига таяниш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш соҳаларига инвестициялар жалб қилиш эвазига амалга оширилади.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги - фермер хўжалиги ташкил этилиши пайтида ер участкаларини узок муддатли ижарага олиш шартномасида белгиланган асосий ихтисослашув йуналишидан бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришни ташкил этиб маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қуйган фермер хўжаликлари ҳисобланади.

Айни пайтда қўшимча тармоқ турли йуналишларда бўлиши мумкин. Энг муҳими мавжуд қонунларимиз билан тақиқланмаган ва бошқа фермер хўжаликларига зарар келтирмайдиган ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) фаолияти бўлиши керак.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ёки асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этилиши мумкин. Хусусан:

- қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ташкил этилганда
- масалан, фермерхўжалигисабзавотчилик йуналишида (асосий тармоқ) фаолият юрица қўшимчатармоқ сифатидасабзавотни қайта ишлаш цехлари фаолиятини йўлга қуйиши, маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш ва сақлаш,

чорвачилик маҳсулотлари етиштириш каби сохаларда ўз фаолиятини кенгайтириши назарда тутилади;

- қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган сохаларда ташкил этилганда - масалан, фермер хўжалиги пахта ғаллачилик йуналишида (асосий тармоқ) юрица қўшимча тармоқ сифатида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, хўжалик қошида кичик тикув цехларини ташкил этиш каби сохаларда ўз фаолиятини кенгайтириши назарда тутилади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлариди ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоқ куйидаги асосий йуналишларда амалга оширилиши мумкин:

- кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш йуналишида; - кишлок хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва кайта ишлаш йуналишларида;

- кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик субъектларига агротехник, иқтисодий, техникавий, зооветеринария ва бошка сохаларда хизматлар кўрсатиш йуналишларида;

- енгил саноат маҳсулотлари, курилиш материаллари ишлаб чиқариш йуналишларида;

- аҳолига савдо, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш сохаларида ташкил этилиши мумкин.

Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, унинг бозор талаблари асосида фаолият кўрсатилишини таъминлаш, кишлок ҳудудларида ижтимоий барқарорликка эга бўлиш, ишсизлик, даромади паст бўлган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим бир дастагини шаклланишида асос яратиб беради.

Бугунги кунда республикамизда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш устида иш олиб борилмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича

тасдиқланган дастурларга мувофиқ, «2015 йилда 21 минг 231 та фермер хўжалигида 22 минг 787 та лойиҳани амалга ошириш белгиланди. Ушбу мақсадлар учун жами 938 миллиард 20 миллион сўм, шундан ўз маблағлари ҳисобидан 612 миллиард 129 миллион сўм, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 325 миллиард 557 миллион сўм жалб этилиши ҳамда мазкур лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан 94 минг 341 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган эди.

Шу билан бирга, хорижий инвестицияли корхоналарнинг фаолиятига хорижий таъсисчиларнинг низом жамғармасига тўлиқ маблағ қўймагани, ишлаб чиқариш ускуналарининг эскирганлиги, маркетинг ишларини яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли 2016 йил 1 январ ҳолатига 6 таси фаолият кўрсатмаган. Жумладан, Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон-Хитой “Фардо Фен” қўшма корхонаси (гипсокартон ишлаб чиқаришга ихтисослашган) Ўзбекистон-Эрон “Уз-Созон” қўшма корхонаси («GM» автомобилларига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган) Қўқон шаҳридаги Ўзбекистон-Туркия “SCORPION” қўшма корхонаси (бўз мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган) Данғара туманидаги Ўзбекистон-Малайзия “Кокмалният” қўшма корхонаси (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган) Фарғона туманидаги Хитой “V&V Chemical” хорижий корхонаси айланма маблағи етишмаганлиги сабабли вақтинча фаолиятини тўхтатган.

2015 йилнинг якуни бўйича 20 минг 570 та фермер хўжалигида қўшимча ишлаб чиқариш соҳаларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди ва бунинг натижасида қишлоқ жойларда 92,5 мингта янги иш ўринлари яратилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 834,2 миллиард сўм маблағ, шундан, 237,7 миллиард сўм банк кредитлари ва 596,5 миллиард сўм фермер хўжаликларининг ўз маблағлари йўналтирилди. Жумладан, 858 та фермер хўжалигида 5285 гектар майдонда интенсив

боғлар, 565 та фермер хўжалигида 1848 гектар майдонда маҳаллий боғлар ва 1315 та фермер хўжалигида 5124 гектар майдонда янги токзорлар, 288 та фермер хўжалигида 173 гектар майдонда иссиқхоналар, 106 та фермер хўжалигида 174 гектар майдонда кўчат етиштириш ва 8922 та фермер хўжалигида 28008 гектар майдонда сабзавотчилик ташкил этилди.

Шунингдек, 2015 йилда 1947 та фермер хўжалигида қорамолчилик, 917 та фермер хўжалигида паррандачилик, 721 та фермер хўжалигида балиқчилик ва 785 та фермер хўжалигида асаларичилик йўналишлари, 48 та фермер хўжалигида гўштни қайта ишлаш, 89 та фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш ва 105 та фермер хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, 19 та фермер хўжалигида қандолатчилик ва 58 та фермер хўжалигида ун ва ун маҳсулотларини қайта ишлаш, 20 та фермер хўжалигида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, 82 та фермер хўжалигида музлатгичли омборхоналар ташкил этиш йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилди»¹³

Ушбу йўналишга, айниқса, кейинги йилларда жиддий эътибор берилаётган бўлсада, бу соҳани ривожлантиришга, модернизациялаш жараёнига ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ даражада фойдаланишга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин: - ташкилий соҳадаги муаммолар; - молиявий соҳадаги муаммолар.

Ташкилий соҳадаги муаммолар- фермер хўжаликларига маҳаллий ҳокимликлар томонидан қайта ишлаш корхоналарини қуриш учун ер ажратиш, қурилган иншоотларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, ишлаб чиқариш цехлари ташкил этиш учун бўш турган биноларни ижарага бериш ёки “ноль” қийматда уларнинг балансига ўтказиб

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

беришда бюрократик ва бошқа тўсиқларнинг мавжудлиги, газ ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар содир бўлиши туфайли фермер хўжаликлари томонидан тижорат банкларидан олинган кредит ҳисобига ишга туширилган замонавий технологияларга асосланган қайта ишлаш корхоналари ишига салбий таъсир қилмоқда.

Молиявий соҳадаги муаммолар- тижорат банклари томонидан қулай шарт-шаротиларда кредит ажратилмаслиги (кредитлар фоизларининг юқорилиги, муддатининг қисқалиги, кредит олишга кўп вақт сарфланиши), хориждан ускуна сотиб олиш учун маблағларни ўз вақтида конвертация қилинмаслиги, фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот сотишдан тушган маблағларни банкларга топширилгандан сўнг нақд пул холида қайтариб олишнинг анча қийинлиги.

Ноқияшқоқ хўжалик фаолияти ривожига салбий таъсир қиладиган омиллардан яна бири фермерлар билими ва тажрибаси етишмаслиги ҳисобланиб, бу борада тегишли ўқув курслари орқали малака ошириш тизимини мунтазам йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва бошқа шу каби қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш орқали қўшимча иш ўринлари яратишда уларнинг ихтиёрийлик асосидаги ўзаро кооперациясини йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фермер хўжаликларининг ўзаро кооперациясини ташкил қилиш бўйича деярли барча ҳуқуқий асослар яратилган бўлсада, бу жараёни тартибга солувчи алоҳида меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида махсус қонун қабул қилиш орқали фермер хўжаликларининг ўзаро кооперация асосида ишлашининг қонуний асосларини яратиш, уларга бир қатор имтиёз ва рағбатлантиришлар жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ҳамда самарали ривожлантиришни таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш соҳаларини, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ва зарурий қишлоқ хўжалиги техникалари билан жиҳозлаш мақсадида, 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармонига асосан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида:

- кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти учун меъёрийҳуқуқий асосларни яратиш, уларни давлат томонидан, шу жумладан, имтиёзли кредитлаш йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишда фермер хўжаликлари кооперациясини ривожлантириш, қишлоқ жойларда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича кичик корхона ва уларнинг бўлимларини ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш йўналишлари белгиланган

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжаликларини барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни бартараф этиш, фермерлик ҳаракатини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, жамиятда етакчи кучга айланишини таъминлашга қаратилган шарт-шароитларни яратиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш йўли билан фермерлар даромадини янада оширишга қаратилган масалаларнинг мақбул ечимларини топиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш,

иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаштириш даврида объектив зарурат тақозоси, қишлоқ хуудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тубдан ўзгартириш ва янгилашда ҳамда қишлоқ аҳлининг турмуш сифатини янада яхшилашда муҳим омил ва йўналиш сифатида баҳоланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ҳозирги кунда модернизация классик модернизация сифатида эмас, балки миллий ижтимоий-маданий хусусиятлар, анъаналарга асосланган модернизация сифатида тушунилади. Биз ғарб тажрибаси ёки бошқа тажриба қай даражада жозибали бўлмасин, ўз хусусиятларимизни унутмаслигимиз, миллий ўзига хослик ва менталитетни эътиборга олишимиз керак. Зотан, миллий хусусиятлар эътиборга олинмаган ҳар қандай модернизация қилиш жараёнлари муваффақиятсизликка учраши мумкин.

2016 йилдаги Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 16,6 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3.7 миллиард доллардан ошди. Умумий қиймати 5.2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш яқунланди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш самарадорлиги меҳнат унумдорлигининг ўсиши, асосий воситалар фойдаланиш муддатларининг узайиши, машина ва ускуналарнинг эскириши даражасининг пасайиши каби кўрсаткичларда намаён бўлади. Жумладан, 2005-2014 йиллар оралиғида меҳнат унумдорлиги 102,2 фоиздан, 105,2 фоизга ўсган, ишлаб чиқаришга янги техникалар олиб келиниши ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш натижасида машина ва ускуналарнинг эскириши даражаси эса 60,3 фоиздан 50,1 фоизга пасайган. Ишлаб чиқаришга янги асосий воситалар жалб

қилиниши, уларнинг фойдаланиш муддатларини ҳам узайтирмоқда. Машина ва ускуналарнинг асосий фаолиятдан чиқиб кетиш даражаси 5,7 фоиздан 7,1 фоизга ўсган.

Эришилган ижобий натижалар билан бирга турли сабабларга кўра қабул қилинган лойиҳалар белгиланган муддатларда якунига етказилмай қолмоқда ёки амалга оширилган лойиҳалар натижалари белгиланган самарани бермаяпти. Бундай ҳолатларнинг юзага келишига асосий сабаблар ҳукумат томонидан тасдиқланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, иқтисодий ночор, кам қувватли ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда озиковқат ва ноозиқ-овқат соҳасини ривожлантиришга оид дастурларни молиялаштиришда амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳаларнинг лойиҳа ташаббускорларининг мавжуд имкониятлари чуқур таҳлил қилинмаган ҳолда киритилиши, яъни лойиҳалар бўйича етарли миқдорда гаров таъминотининг мавжуд эмаслиги, аввал олинган кредитлар, бюджет ва солиқ органларидан қарздорлиги мавжудлиги, лойиҳа ҳужжатларидаги молиявий кўрсаткичларининг талабга жавоб бермаслиги ушбу лойиҳаларнинг амалга оширишда белгиланган муддатларда молиялаштирилмай қолишига олиб келмоқда. Аксарият ҳолларда эса ҳудудий ва инвестиция дастурларига киритилган ташаббускорларнинг лойиҳа ҳужжатлари (бизнес режа, техник иқтисодий асоснома) талаб даражасида эмаслиги ушбу лойиҳаларни дастурларда белгиланган муддатларда ишга тушуришга қийинчилик туғдирмоқда.

Шу муносабат билан келгусида ушбу муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

- дастурга киритилиши мўлжалланган ҳар бир лойиҳани тижорат банклари томонидан пухта ўрганиб чиққанидан сўнг шакллантириш;

- лойиҳа ташаббускорларнинг гаров таъминоти етарлилиги, амалга оширилиши мўлжалланган дастлабки лойиҳа ҳужжатларидаги молиявий кўрсаткичларининг талабга жавоб бериши, аввалги кредитлардан, бюджет ва солиқ органларидан қарздорлиги мавжудлигига, бино-иншоотлар, ер майдонига эгалик қилиш ҳуқуқининг (маҳаллий ҳокимиятларнинг қарорлари, зарурий гувоҳномалар) мавжудлигини ўрганиш;
- дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишида ташаббускорларга яқиндан амалий ёрдам бериш, хусусан ўз вақтида уларга ер ва бинолар ажратилиши, лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, зарур коммуникация тармоқлари (электр энергияси, газ, сув, канализация ва бошқалар)га уланиш, тегишли лицензия ёки рухсатномалар олиш юзасидан тегишли чораларни кўриш;
- амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмаган лойиҳалар ўрнига инвестиция миқдори ҳамда ташкил этиладиган иш ўринлари кам бўлмаган янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, дастурларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши юзасидан зарур ишларни амалга ошириш;
- дастурга киритилаётган лойиҳалар бўйича молиялаштириш манбаалари ва муддатларини лойиҳаларнинг мавсумийлигини, лойиҳа ташаббускорининг мавжуд имкониятларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кредит суммаси ва молиялаштириш муддатларини белгилаш.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича тасдиқланган дастурларга мувофиқ, 2015 йилнинг якуни бўйича 20 минг 570 та фермер хўжалигида қўшимча ишлаб чиқариш соҳаларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди ва бунинг натижасида қишлоқ жойларда 92,5 мингта янги иш ўринлари яратилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 834,2 миллиард сўм маблағ, шундан, 237,7 миллиард сўм банк кредитлари ва 596,5 миллиард сўм фермер хўжаликларининг ўз маблағлари йўналтирилди. Ушбу йўналишга, айниқса,

кейинги йилларда жиддий эътибор берилётган бўлсада, бу соҳани ривожлантиришга, модернизациялаш жараёнига ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ даражада фойдаланишга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, фермер хўжаликларига маҳаллий ҳокимликлар томонидан қайта ишлаш корхоналарини қуриш учун ер ажратиш, қурилган иншоотларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, ишлаб чиқариш цехлари ташкил этиш учун бўш турган биноларни ижарага бериш ёки “ноль” қийматда уларнинг балансига ўтказиб беришда бюрократик ва бошқа тўсиқларнинг мавжудлиги, газ ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар содир бўлиши туфайли фермер хўжаликлари томонидан тижорат банкларидан олинган кредит хисобига ишга туширилган замонавий технологияларга асосланган қайта ишлаш корхоналари ишига салбий таъсир килмоқда. Шунингдек, тижорат банклари томонидан қулай шарт-шаротиларда кредит ажратилмаслиги (кредитлар фоизларининг юқорилиги, муддатининг қисқалиги, кредит олишга кўп вақт сарфланиши), хориждан ускуна сотиб олиш учун маблағларни ўз вақтида конвертация қилинмаслиги, фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот сотишдан тушган маблағларни банкларга топширилгандан сўнг нақд пул холида қайтариб олишнинг анча қийинлиги шулар жумласидандир.

Агросаноат мажмуасига жалб этилаётган инвестициялар миқдори, унинг иқтисодий самарадорлиги талаб даражада эмас. Сабаби хўжаликлар соф фойдаси камлиги сабабли мақсад учун етарли миқдорда маблағ ажарата олмаяптилар, ўзгаларнинг маблағлари, яъни чет эл инвестициялари, банк кредитлари ҳам талабни қондирадиган даражада жалб этилаётгани йўқ.

Ҳозирги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишда мавжуд муаммолар қуйидагилардир:

- инвестиция инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- тадбиркорларнинг бизнес кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли даражада эмаслиги;
- инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги;
- лойиҳа ташаббусларини молиявий-иқтисодий аҳволининг ночорлиги;
- маҳаллий хокимларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида батафсил маълумотлар билан таъминлашда фаол иштирок этмаётганлиги ва ҳоказо.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун куйидаги *таклифлар*ни айтиб ўтиш ўринлидир:

1. Мамалакатни модернизация қилишнинг замонавий – иқтисодий воситаларидан бири – бу хорижий инвестицияларни ижтимоий-иқтисодий соҳаларга жалб этишдир. Бу эса мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга олиб келишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.
2. Янги инвестиция лойиҳаларини яратиш ва уларни яқунлаш мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалишига олиб келадики, бу ҳолат ўз навбатида мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий интеграцияга кириб боришига кенг йўл очади.
3. Инвестиция лойиҳаларини яратишда бўлғуси мутахассислар баркамол авлод ижоди ва ишланмаларидан фойдаланиш ҳамда уларни Ватанимиз тараққиёти учун кишиларга бевосита имкон яратиш муҳим аҳамият касб этади.
4. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва унинг самарадорлигини оширишда соҳага янги техника ва технологиялардан

фойдаланиш ҳамда бу орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳам миқдорини, ҳам сифат нуқтаи назаридан бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулот етиштириш имкониятини яратади.

5. Қишлоқ хўжалигининг тармоқларини модернизация қилиш АСМ корхоналари фаолиятига ижобий таъсир этадики, натижада уларнинг пиروвард натижалари салмоқли бўлишга асос яратиш мумкин.

6. Ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятни такомиллаштириш.

7. Ташаббускорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, мутасадди идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан мувофиқлаштириш ва доимий назоратга олиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 24.12.1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эли инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 30.04.1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш чора-тадбирлари ва унинг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Т.: 30.04.1998.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

қарорлари:

5. “2012-2015-йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 2-августдаги 234-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).
7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қўмитасининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги 2005-йил 3-августдаги Низоми.
8. “Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чоратадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-йил 31-декабрдаги 288-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун инвестицион дастури тўғрисида»ги 2014 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2264-сон Қарори.
10. “2011-2015-йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 15-декабрдаги 1442-сонли Қарори.
11. “2009-2014-йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш,
техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги”Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2009-йил 12-мартдаги 1072-сонли Қарори.

12. “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 10-апрелдаги 4434-сонли Фармони.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

ва маърузалари:

13. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”// Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь.

14. И.А.Каримовнинг 2015-йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2016-йил 16-январ.

15. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” // Халқ сўзи, 2015 йил 20 январь.

16. Каримов И.А.: “Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида”. Т.:“Ўзбекистон”, 2012.

17. Каримов И.А.: “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция вамолиявий барқарорлик”. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

18. Каримов И.А.: “Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишдир”. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

V. Ўқув адабиётлари ва илмий рисоалар

- 19.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» номли маърузасини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: «Маънавият», 2016. – 376 бет. **20.** Ғозибеков Д.Ғ., “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари”. - Т.:“Молия”, 2003
- 21.** Имомов Х.Х.: “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”, ўқувқўлланма. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2010.
- 22.** Купряшин Г.Л. Политическая модернизация. – М.: Общество «Знание», 1991.С.5.
- 23.** Маҳмудова Г.Н. Иқтисодиётни модернизациялашнинг илмий концепциялари ривожланиши.Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 6, 2014 йил www.иқтисодиёт.уз
- 24.** Турсунов Р.Т. Корхонани модернизация қилиш асосида унинг самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 3, 2014 йил ,www.иқтисодиёт.уз
- 25.** ШодиевТ.Ш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 1, 2011 йил, йил www.иқтисодиёт.уз
- 26.** Бурханов А.У.: “Агросаноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси”. Монография. - Т.: “Фан ва технология”, 2009.
- 24.** Қўзиева Н.Р.: “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг молия ва кредит механизимини такомиллаштириш йўналишлари”. Монография.- Т.: “Иқтисод-молия”, 2006.

- 25.** Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И.: “Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш”. Рисола. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2007.
- 26.** Хўжамқулов Д.Й.: “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестиция фаолиятни молиялаштириш”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация . – Т.: БМА , 2006.
- 27.** Умарова Г.Ғ.: “Енгил агросаноат тармоғида инвестицияларни бошқариш нитакосини яқинлаштириш йўллари”. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ, 2011.
- 28.** Сиддиқов А.: “Агросаноат ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлиги”. “Бозор, пулва кредит”. – Т.: 2004, 7-8-сон.
- 29.** Красильшиков В.А. Модернизация и Россия на пороге XXI века. // Вопросы философии. 1993.№7.С.40.
- 30.** Маматов М.: “Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари”. “Иқтисодиёт ва таълим”. – Т.: 2011, 4-сон.
- 31.** Хидиров Н.Ғ.: “Инвестицион муҳитни шакллантиришда инвестицион сиёсатнинг аҳамияти”. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг концептуал асослари ва ижтимоий-иқтисодий шартшароитлари” Республика олий ўқув юртлараро илмий-амалий ажуман материаллари. – Т.: 2013.
- 32.** “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010-йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015-йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

33. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг йиллик ҳисоботи(2000-2015). –Т.: 2015.
34. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ахборот хизмати материаллари
35. Ўзбекистон Республикаси Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти маълумотлари
36. Фарғона вилояти Статистика Бош боқармаси маълумотлари
37. Раҳимова Қ. Ер майдонларини оптималлаштириш орқали озиқ-овқат маҳсулотларини янада кўпайтириш истиқболлари // Республика университетлари ёш олим ва иқтидорли талабаларининг “ Илмзаковатимиз сенга, она-Ватан!” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари., ФДУ, Фарғона-2016й.,245-248б.
38. Раҳимова Қ. Мамлакатимиз агросаноат мажмуасининг таркиби ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари // “Замонавий фан ва таълимнинг долзарб масалалари” номли илмий тўплам. ФДУ, Фарғона-2017й., 82-83б

V. Интернет сайтлари

39. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси)
40. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги)
41. <http://www.mfer.uz> (Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги)
42. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами)